

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Йилнинг ҳар чорагида чоп этиладиган ахборот-таҳлилий бюллетени

«Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқбонлик таълими» Лойиҳаси

№ 6 сон [май - июнь 2010]



Европа  
Комиссияси

INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING



Уруш ва тинчликни  
ёритиш институти (IWPR)

## МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!

Эътиборингизга Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб масалаларни ёритувчи ахборот-таҳлилий бюллетенининг олтинчи сонини ҳавола этамиз.

Жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб бутун дунё Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар ривожини диққат билан кузатиб келмоқда. Шу йилнинг июнь ойида республика жанубини 1990 йилдаги Ўш тўқнашувидан кейин содир бўлган энг фожеали воқеалар ларзага солди. 10 июндан 11 июнга ўтар кечаси Ўш шаҳрида ўқотар қуроллар қўлланилган тартибсизликлар бошланди, кейинчалик бундай фожеий воқеалар Жалолободга ҳам кўчди. Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 6 июл куни тарқатган сўнгги маълумотларга кўра, тўқнашув 309 киши ҳаётига зомин бўлган. Қирғизистон Республикаси раҳбари Роза Ўтунбоевнинг “Коммерсант” газетасига берган интервьюсида қайд этишича, республика жанубидаги оммавий тартибсизликлар чоғида ҳалок бўлганлар бўйича расмий рақамлар аслидагидан анча кам қилиб кўрсатилган бўлиши мумкин. БМТ қочқинлар ишлари бўйича Олий Комиссари (UNHCR) баҳосига кўра, 400 минг чоғли киши ўз уйлари ташлаб кетган. Ўзбекистон ўз ҳудудида расман 45 минг кишини қабул қилган, аслида эса қочқинлар сони бундан кўпроқ эди. Вазият барқарорлашганидан сўнг улар Қирғизистонга қайта бошлаганлар.

Тартибсизликлар бошланиши биланоқ фожеа юз берган ҳудудларда комендантлик соати жорий қилинди. Дейли, Ўш вилоятида у 10 августга давом этади. Муваққат ҳукумат аъзолари “миллий низо асосида ушштирилган” деб атаган тартибсизликлар турли миллат вакилларининг жабрланишига олиб келди: кўпчилик бошпанасидан айрилди, қариндошларидан жудо бўлди. Жанубдаги бу фитналар ортида учинчи кучлар – ички ва ташқи кучлар тургани бўлиши мумкинлиги ҳақида турли тахминлар айтилмоқда.

Расмийлар дуч келган муаммолардан бири жабрланганларга гуманитар ёрдам тақсимлаш билан боғлиқ муаммо бўлди. Ҳозирда маҳаллий аҳолини уйларига қайтариш ва жабрланганларга руҳий (психологик) мадад кўрсатиш ҳамда тартибсизликлар чоғида вайрон қилинган жанубдаги шаҳарлар инфратузилмасини тиклаш масаласи бундан-да долзарброқ бўлиб турибди. Бу масалаларнинг ҳаммаси шу йил 27 июнида бўлиб ўтган умумхалқ референдумида легаллашган Қирғизистон янги расмийлари олдида кўндаланг турибди.

Бу орада Қозоғистон президентининг рад қилишига қарасдан, 13 май куни мамлакат конституциясига Нурсултон Назарбоевга миллат раҳнамоси мақомини берувчи ҳамда унга сиёсий таъсир ва ҳуқуқий дахлсизликни сақлаб қолишга имкон яратувчи тузатиш киритилди.

Марказий Осиё минтақаси ҳуқуқ ҳимоячилари ҳозирда ЕХХТ раиси бўлган Қозоғистон расмийларидан ўзбекистонлик қочқинларга эътиборлироқ бўлишни сўрамоқдалар. Бюлле-

тенимининг бу сони Сизга Марказий Осиёда шу кунда содир бўлаётган сиёсий ва ижтимоий воқеалар билан танишиш имконини беради.

Эслатиб ўтамиз, бюллетень Европа Комиссияси кўмагида Британиянинг Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида нашр этилмоқда. Лойиҳа асосий мақсадларидан бири Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда лойиҳа Қирғизистонда болаларнинг таълим олиш имкониятлари масаласи, Тожикистонда худкушлик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани муаммоси ва Қозоғистонда сўз эркинлиги масалаларини ҳал қилиш учун мулоқот платформасини таъминлаб келмоқда. Лойиҳа фаолиятининг яна бир йўналиши ноҳукумат ташкилотлари вакиллари жамоатчилик билан алоқани ушлаб туришга, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш, шунингдек, журналистлар учун инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари ва бу борадаги миллий қонунчилик соҳасида тренинглари ўтказиш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда IWPR Европа, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Уганда, Шимолий Африка, Зимбабве, Кавказ, Филиппин ва Марказий Осиё мамлакатларида ўз фаолиятини муваффақият билан амалга ошириб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасида IWPR ўз фаолиятининг 1999 йилдан буён муваффақият билан адо этиб келмоқда ва ўтган вақт мобайнида Институт давлат, ноҳукумат (НХТ) секторлари ҳамда медиа-тузилмалар билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйишга эришди. IWPR маҳаллий журналистлар билан биринчилардан бўлиб ҳамкорлик қила бошлади, уларга чет эллик ҳамкасблари билан алоқаларни ривожлантиришда кўмак кўрсатди. Вақт ўтган сайин бу ҳамкорлик тигиз профессионал алоқалар шаклига кирди.

Бундай ёндошув янги алоқалар ўрнатиш ва кенгайтириш, мунтазам равишда ғоя, билим ва малака алмашиш имконини берди. Тил тўсиғи ва қарашлардаги фарқларга қарамай, бундай ҳамкорликнинг натижаси [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net) веб-сайтидаги кўплаб қўшма мақолаларда ўз аксини топди. Ана шу иш шарофати билан IWPR инсон ҳуқуқлари, зиддиятлар демократияси масалалари билан боғлиқ муаммоларни ёритишга сезиларли ҳисса қўшди.

Ҳар бир сонда биз Сизни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ алоҳида ёки оммавий ҳодисалар билан лойиҳа фаолияти доирасида таништиришга ҳаракат қиламиз.



## УШБУ СОНДА:

### ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

#### ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ:

- 7 Тожикистон омбудсмени Зариф Ализода билан интервью: «Биз барчадан бирдек ариза қабул қиламиз»

#### МАХСУС РЕПОРТАЖ:

- 9 Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси ОИТВ касаллиги ўсиб бораётганидан ташвишда
- 14 Гуантанамо икки собиқ маҳбуси ишининг қайта кўриб чиқиши юзасидан чақириқлар

#### ҚОЗОҒИСТОН:

- 16 Жамоатчилик намоишлари сони кўпайиши
- 17 Қозоғистон президентига миллат раҳнамоси мақоми берилди

#### ҚИРҒИЗИСТОН:

- 19 Собиқ кончиларнинг товон пули олишдан умиди тобора сўниб бормоқда
- 20 Ўшдаги бошбошдоқлик
- 22 Қирғизистондаги оломонга бас келолган қаҳрамонлар

#### ТОЖИКИСТОН

- 23 Тожикистон табиий офат ортидан ёрдам сўрамоқда
- 25 Тожикистонда уяли телефонлардан фойдаланиш атрофидаги баҳслар

#### ТУРКМАНИСТОН

- 26 Маҳаллий ҳокимият ваколатлари оптималлаштирилди
- 27 Туркменистондаги хўжакўрсин энтузиазм

#### ЎЗБЕКИСТОН

- 28 ЕХҲТ раиси бўлган мамлакат ҳуқуқ фаоллари чақириғига қулоқ тутадими?
- 29 Ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари спорт журналистнинг озод қилиниши учун курашмоқдалар

## ЛОЙИҲА ЯНГИЛИКЛАРИ:

*“Ахборот излаш, мавзу қидириш, ОАВнинг ҳуқуқий саводхонлиги” тренинги 11-12 июнь кунлари Олмаотада “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида IWRPнинг Қозоғистондаги ваколатхонаси томонидан уюштирилган “Ахборот излаш, мавзу қидириш, ОАВнинг ҳуқуқий саводхонлиги” дея номланмиш икки кунлик тренинг бўлиб ўтди.*

Тренингни Қозоғистондаги таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси ва журналист Андрей Гришин олиб борди. Тренингда Чимкент, Тороз ва Олмаотада журналистлар иштирок этди. Тренер асосий эътиборни Тинч йиғилишлар эркинлиги (сиёсий ва ижтимоий норозилик намоишлари), Дин (ноанъанавий диний гуруҳларни таъқиб қилиш давом этаётгани) каби фуқаролар ҳуқуқлари бузилишига оид муҳим жиҳатларга қаратди. Тренингни асосий мақсади журналистлар ҳуқуқий саводхонлигининг сифат даражасини ошириш ҳамда уларга журналистиканинг энг яхши намуналари асосида ҳуқуқ муҳофазасига доир ахборот билан ишлашнинг асосий усул ва услубларини ўргатишдан иборат бўлди.

Гришин тренинг иштирокчилари эътиборини ножўя журналистика ва материални саводсизлик билан тақдим қилиш намуналарига қаратди.

Журналистлар тренинг мавзуси долзарблигини эътироф этдилар. Николай Цой ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя



қилиш ҳақида гапириш зарурлигини қайд этди. “Тренининг аудитория билан ишлаши аъло даражада. Айнан ҳуқуқ ҳимояси ва уни ёритиш масалаларига кўпроқ тўхталинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Материаллар визуализацияси ва турли ўйинлардан фойдаланиш ўзини оқлаган. Мазкур мавзулар янада тўлароқ очилишини, имкон қадар теранроқ ёритилишини истардик”, – деди журналист.

Чимкентлик мустақил журналист Татьяна Мухина ҳам тақдим этилган материалларнинг ишонарлиги ва тушунарлигини эътироф этди.

“Тарқатма материаллар аъло даражада. Бу халқаро журналистикада ишлашни истаганлар учун жуда муҳим мавзу. Бизни қизиқтирган барча масала ва мавзулар муҳокама этилди. Барчаси меъёрида бўлди, назарий маълумотлар ўйинлар билан биргаликда амалий машғулларда мустаҳкамланди”, – деди Мухина.

Тренинг иштирокчиларига сертификатлар тақдим этилди.

Давлат идоралари матбуот хизмати ходимлари бўҳронга қарши PR асослари бўйича таълим олдилар

28-29 май кунлари Бишкек матбуот клубида (ВРС) давлат идоралари матбуот хизматлари ходимлари учун “Инқироз вазиятида оммавий ахборот воситалари билан ишлаш. Бўҳронга қарши PR” мавзусидаги семинар-практикум бўлиб ўтди. Семинарда жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашдилар. Тадбир Мустақил тренерлик-консультацион гуруҳи, “Сорос-Қирғизистон” жамғармаси ҳамда Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Қирғизистондаги валакатхонаси (IWPRнинг Еврокомиссия ва Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан молиялаштирилган “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси) томонидан ташкил этилди.

Икки кунлик семинарда конфликтология, ижтимоий психология ва ижтимоий менежмент бўйича амалиётчи мутахассислар – “Egalité” жамоатчилик жамғармаси вакиллари Татьяна Виговская ва Иван Каменко, «APRA Group» медиаконсалтинг ширкатидан PR-мутахассис ва маркетинг Екатерина Филиппова тренерлик қилдилар.

Семинар-практикумда давлат идоралари матбуот хизмати ходимларига муассасалардан тушаётган маълумотлар ички сиёсий тизимда қай тарзда айланишини анализ қилиб кўриш таклиф қилинди. Машғулотда ахборотга нисбатан сиёсий муносабатнинг ҳиссий жиҳати алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, семинарда инқироз вазиятида ОАВ билан матбуот анжуманлари уюштириш, матбуот варақчалари ёзиш ва бошқа воситаларни қўллаш орқали алоқа ўрнатиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Намуналарни кўриб чиқиш мобайнида иштирокчилар ахборотни зиддият потенциали портлашига йўл қўймайдиган тарзда ўз адресатига етказиб беришни машқ қилдилар.

Семинар-практикумда айtilган тавсиялардан бири ОАВ билан матбуот хизматидаги яқка шахсларнинг алоқа ўрнатишига оид бўлди. Маслаҳатчи тренерлар ҳам ташкилотнинг ижобий имижини яратиш (бу пировардида ташкилотнинг обрў-эътиборига таъсир қилади) учун муассасаларда ички коммуникацияни йўлга қўйишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

“Сўнги воқеалар давлат идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг нақадар тизим боғланганини кўрсатди ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш ўз қўлимизда. Бу семинарда мен ОАВ билан қандай алоқа ўрнатиш, маълумотни қай тарзда тўғри етказиб бериш, журналистлар билан қандай муомалада бўлиш ҳақида анча нарса ўргандим”, – деди семинар-практикум иштирокчиси, Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот котиби Светлана Байтикова.

“Аваллари биз ўз фаолиятимиз ҳақида матбуот варақчалари тарқатардик, бироқ бунинг акс-садоси камроқ бўларди. Эндиликда мен, агар бизга чинакам натижа керак бўлса, ахборотга нисбатан бошқача ёндашув кераклигини аглаб олдим: бунда маълумот шунчалик тарқатиб қўйишига эмас, уни тақдим эта билиш, сегментация қилиш муҳим экан”, – деди ички мигрантлар билан ишлашга ихтисослашган “Ариш” жамоатчилик бирлашмаси ижтимоий бўлими менежери Нурия Темирова.

Семинар-практикум мувофиқлаштирувчиси Елена Воронина фикрича, давлат идоралари матбуот хизматлари ходимлари учун бу каби таълимий тадбир “ўз вақтида” ўтказилди, чунки ўтиш даврида расмий идоралар матбуот хизматлари роли ошади.

“Замон ўзгарапти. Кўплаб матбуот хизматлари худди журналистлар ва умуман, жамиятимиз каби бундай вазиятга тайёр эмасди. Мен ушбу семинар мазкур йўналишда ўтказилажак ўқув семинарлари учун бошланғич нукта бўлди, деб ўйлайман. Бугунги кунда аксилнқирозий коммуникациялар бўйича билимлар ва бу каби вазиятда профессионал фаолият малакаси жамиятда давлат муассасалари ҳақида фикр шакллантирадиган матбуот хизматлари ходимларига қанча керак бўлса, медиахудуднинг бошқа барча иштирокчиларига ҳам шунчалик керак”, – дея сўзини якунлади Елена Воронина.

“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ноҳукумат ташкилотлари учун ахборот-маърифат парварлик фаолияти” (Public Outreach) тренинги

2010 йилнинг 4-5 июнь кунлари Ўш шаҳрида, 11-12 июнь кунлари эса Бишкек шаҳрида ҳуқуқ ҳимоячилари учун ахборот-маърифий кампанияларини режалаштириш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятида ижтимоий маркетинг методларидан фойдаланиш бўйича тренинглар бўлиб ўтди.

Тренингларнинг асосий мақсади ҳуқуқ муҳофазаси билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлари ходимларини ўз



аудиторияси эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда медиастратегия ишлаб чиқишга ҳамда бу эҳтиёжлар бўйича истиқболлий мўлжал олишга ўргатиш эди.

Интерактив амалий топшириқлар чоғида НҲТ ишида ижтимоий маркетинг методларидан фойдаланиш кўникмалари, медиакампанияларни режалаштиришда ролларни тақсимлаш, матбуот варақчалари матнларини тайёрлаш ва ҳустида иш олиб борилди.

Тренингда коммуникация жабҳасида фаолият юритувчи маслаҳатчи тренер, “КУТ-Консалт” жамоатчилик жамғармасининг тараққиёт бўйича менежери, Қирғизистон-Россия Славян Университети халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси Ирина Чистякова ҳамда IWPRнинг “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси, “public relations” (жамоатчилик билан алоқалар) соҳасида 5 йилдан кўпроқ ишлаган Айгул Бўлўтова мураббийлик қилдилар.

Тренер Ирина Чистякова фикрича, ноҳукумат ташкилотларида ишловчи кўплаб ходимларга бизнес-воситалар бўйича билимлар етишмайди. “Ижтимоий маркетинг моҳияти бозор воситаларни қўллаш орқали мақсадли гуруҳлар билан ишлаш методларини яхшилашда акс этади. Товар тақдим қилишда ҳар қандай бизнес аудитория эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда фаолият юритади. Ноҳукумат ташкилотлари учун медиа

майдондан фойдаланадиган эмас, балки аудитория билан шахсан ишлайдиган тадбирлар, BTL-маркетинг, партизан маркетинги каби катта харажат талаб қилмайдиган воситалар самаралироқ бўлади”, – дейди Ирина Чистякова.

“Тренинг чоғида менда ташкилотимиз учун акциялар ўтказиш бўйича кўплаб ғоялар туғилди”, – деди тренинг иштирокчиси, “Эгль” жамоатчилик жамғармасининг ҳуқуқий дастури мувофиқлаштирувчиси Алмаз уулу Атай. У тренинг ўзига маркетинг бўйича билимларини сезиларли даражада кенгайтиришга ҳамда оммавий ахборот воситалари қай тарзда ишлашини тушунишга ёрдам берганини қайд этди.

Қишлоқ ёшларига ахборот етказиб бериш билан шуғулланадиган “Келечек доору” жамоатчилик бирлашмаси вакиласи Нагима Абдилдаева ўз ташкилоти фаолиятини ёритиш учун журналистларни қай йўсинда жалб қилиш ҳақида қимматли тавсиялар олганини таъкидлади.

“Мен журналистлар билан аввал ўрнатган алоқаларимиздан етарли даражада самарали фойдаланмаётганимизни тушундим, ваҳоланки, алоқаларни тўғри ташкил этиш орқали биз кўшимча харажатларсиз ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишимиз мумкин экан. Яқин орада биз Иссиқкўл қирғоқларини тозалаш бўйича экологик акция режалаштирмақдамиз, у ерда биз ушбу тренингда ўрганган BTL-методлари бўйича билимларни қўлламоқчимиз”, – дея таъкидлади Нагима Абдилдаева. У ижтимоий маркетинг бўйича олган маълумотларини чекка ҳудудлардаги ҳамкорлари ҳам ўз фаолиятларида фойдаланишлари учун улар билан ўртоқлашни режалаштираётганини ҳам кўшимча қилди.

“Қилим шами” жамоатчилик жамғармаси Жалолобод вилоятидаги филиали ходими Абдуназар Маматисламовнинг қайд этишича, тақдим этилган маркетинг технологиялари, “агар самаралилик ва ра-

ционаллик нуқтаи назаридан қаралса, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти фойдаланилса, “бизнинг давримизда жуда сермахсул бўлиб ҳисобланади”.

“Мазкур тренинг ёрдамида мен журналист ва бошловчи ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида ўз ахборот-маърифий фаолиятимдаги ожиз томонларимни кўришга муваффақ бўлдим. Келажакда бу каби фаолиятни тўғри режалаштириш инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда ёрдам беради, деб уйлайман”, – дейди “Бола ҳуқуқлари ҳимоячилари лигаси” тармоғи ходими, “Open.kg” журналисти Музаффар Турсунов.

Тренинг иштирокчилари бундан буён тадбирлар ташкил қилишнинг юридик жиҳатлари, BTL-тадбирлар ва OAB билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари бўйича тренинглар ўтказилиши хусусида тилак билдирдилар.

Қирғизистон ва АҚШ экспертлари видеоконференция шаклида Қирғизистон Республикасидаги сиёсий вазиятни муҳокама қилдилар.

2010 йилнинг 23 июнь куни Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) Қирғизистондаги ваколатхонаси “Қирғизистон референдум арафасида” видеоконференцияси бўлиб ўтди. Видеоконференция IWPR томонидан Карнеги (Вашингтон) жамғармаси билан биргаликда уюштирилди.

Муҳокамада Қирғизистон томонидан Ишенбай Абдуразақов, Валентин Богатирев, Тамерлан Ибраимов, Марс Сариев, Элмира Нўғўйбаева ва Қадир Маликов каби экспертлар иштирок этдилар. АҚШ томонидан мунозарада Халқаро тинчлик учун Карнеги жамғармаси, АҚШ Давлат департаменти, ЮСАИД, АҚШнинг халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) вакиллари ва мустақил тадқиқотчилар қатнашдилар.

Видеоконференция чоғида томонлар Қирғизистондаги вазият ва мамлакат истиқболи бўйича қизғин фикр алмаш-

дилар. Мунозара референдум Қирғизистонга нима бериши мумкинлиги ҳақида бўлди. Унда мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазиятга, минтақадаги ташқи ва ички ўйинчилар манфаатларини назарда тутган ҳолда, умумий харақатнинг таранглашиш сабаблари ва вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари ҳақида ўз нуқтаи назарларини тақдим этдилар.

“Референдум арафасида вашингтонлик ҳамкасблар билан Қирғизистондаги ҳозирги сиёсий вазиятнинг муҳокамаси жуда қизғин бўлди. Видеоконференция фикр алмашишнинг жуда самарали ва қизиқарли шаклидир”, – дея ўз фикри билан ўртоқлашди учрашувнинг қирғизистонлик иштирокчиларидан бири, сиёсатшунос Марс Сариев.

Марс Сариев фикрича, Қирғизистон жанубида содир бўлган июнь воқеалари чоғида биз ахборот майдонида кучли моделлаштириш юзага келганига, ана шу туфайли “халқаро ҳамжамият Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида бир томонлама маълумот олган”ига гувоҳ бўлди.

Экспертлар этник бўёқ берилган ҳар қандай зиддият тез оловланувчи бўлиши ва бугунги кунда вазият барқарорликдан йироқлиги ҳақида бир қарорга келдилар.

“Ҳозирги пайтда жанубдаги жамоатчилик ўз-ўзидан ташкилотланмоқда, ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари, оқсоқоллардан иборат яраш гуруҳлари тузилмоқда, бироқ аҳолининг содир бўлган ҳафсаласи пир бўлиши ҳамда одамларнинг ўз ҳаёти ва мол-мулкни ҳимоя қилиш учун ўқотар қурол сотиб олишга тайёр бўлиб қолиши каби тенденция ҳам бор”, – дея таъкидлади “Дин, ҳуқуқ, сиёсат” мустақил таҳлилий маркази директори Қадир Маликов.

Видеоконференциянинг америкалик иштирокчилари қирғизистонлик ҳамкасбларидан Қирғизистондаги воқеаларга қўшни мамлакатлар қандай муносабатда бўлгани, мамлакат конституциясидаги ўзгаришлардан фуқароларнинг нақадар хабардорлиги, жанубдаги зиддиятни бартараф этиш ва қочқинлар масаласини ҳал қилишда халқаро ҳамжамият қандай роль ўйнаши мумкинлиги ҳақида сўрадилар.

Қирғизистонлик таҳлилчилар Қирғизистон учун референдум “барқарорлик, хавфсизлик ва Муваққат ҳукуматга ишонч” учун овоз бериш бўлганини айтдилар.



Конституциядаги ўзгаришларнинг асосий моҳиятини аҳолининг аксарияти тушунади, – деб ҳисоблайдилар қирғизистонлик сиёсатшунослар. “Перспектива” таҳлилий консорциум раҳбари Валентин Богатиревнинг қайд этишича, Қирғизистоннинг янги конституциясида битта асосий ўзгариш бор: ҳукумат устидан назорат презедентдан парламентга ўтади. Богатиревнинг сўзларига кўра, буни ташқи ўйинчилар ҳам, ички ўйинчилар ҳам тушуниб турибдилар.

Шунингдек, учрашувда Қирғизистонда партия қурилишининг давлат менежерлик салоҳиятига боғлиқ бўлган ўзга хос жиҳатлари мавзусига ҳам тўхталинди. Таҳлилчилар миллий ва диний асосга



эга бўлган партиялар, минтақадаги вазият ўзига хос жиҳатларини назарга олган ҳолда, сеператистик ҳаракатларга айланиб кетиши мумкинлиги юзасидан мавжуд хатарга эътибор қаратдилар.

Экспертлар келажакда ҳокимиятни ташкил этиш учун мавжуд шарт-шароитни муҳокама қилдилар, парламент сайловлари қандай ўтиши ҳамда бундан буён ҳокимият институтлари қандай шакллантирилиши юзасидан ўз тахминларини айтдилар.

Анжуманда “ҳозирда вазият 2005 йил ва ундан аввалги йиллардагига қараганда яхши, чунки бу ҳокимиятда бир-бири билан рақобат қилувчи партиялар бор, ҳокимиятда бўлган партияларга муҳолифатда бўлган партияларнинг кўпи сайловларда иштирок этиши ҳақида эса айтмасам ҳам бўлади. Улар халқаро кузатувчилар билан биргаликда [сайловлар чоғида] маъмурий ресурслардан фойдаланилмаслиги устидан етарли даражада назорат ўрната оладилар. Бу бўйича қилинган ҳатто энг майда уринишлар ҳам портлашга олиб келиши мумкин”, деган мазмунда фикр айтилди.

Айни пайтда экспертлар парламент сайловларидан сўнг мамлакатни ислоҳ қилиш бўйича ишлар қийин кечажанини айтиб, бу борада ташвиш изҳор қилдилар. Дейлик, бир қатор экспертлар фикрича, ҳозирги сиёсий конъюнктуранинг ҳисобга олган тақдирда, Қирғизистон парламентида кўпчилиكنи ташкил қиладиган битта партия бўлмаслиги

мумкин. Бундай вазиятда ҳукумат таркиби ва ҳукумат раҳбари ҳақида келишиш қийин кечади. Янги конституция бўйича ҳукумат шакллантириш бўйича уч уриниш кўзда тутилган, бироқ бунинг натижасида келишувга эришилмаслиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. У ҳолда парламент тарқатилиши ёки янги ҳокимиятда мутлақо янги одамлар пайдо бўлиши мумкин. “Ҳатто шундай ҳокимият шакллантирилган тақдирда ҳам, у курама ҳокимият бўлиши мумкин”, – дея қайд этдилар видеоконференциянинг қирғизистонлик иштирокчилари.

“Экспертлар мулоқоти жуда муҳим. Хорижлик экспертлар Қирғизистондаги вазиятни бошқа томондан кўрадилар. Уларда доимий равишда Марказий Осиёга келиш имконияти йўқ бўлгани учун видеоконференциялар воситасида улар маҳаллий фикрлаш алгоритмининг ҳис қила олишлари ва маҳаллий аналитик марказларда ишлайдиган ҳамкасблари ёрдамида бу ерда содир бўлаётган воқеаларни тушуниб олишлари мумкин”.

Интенсив равишда фикр, тажриба ва нуқтаи назар алмашиш Қирғизистонда июнь ойида содир бўлгани каби воқеаларнинг олдини олишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бу ерда турли мамлакатлардан бўлган ҳамкасблар билан мақбул ечимлар ишлаб чиқиш ва ҳамкорлик учун катта майдон бор.

“Турли мамлакатлардан бўлган ҳамкасблар ўртасида бу шаклда экспертлар мулоқоти қанча кўп ўтказилса, қўйилган масалалар доираси қанча кенг бўлса, муҳокама иштирокчиларининг ўзи учун ҳам, мамлакатда содир бўлаётган воқеаларни, давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни тушуниб олиш учун ҳам шунча яхши бўлади”, – деди видеоконференция натижаларига тўхталган жамоат арбоби Ишенбай Абдуразақов.

“Тожикистонда қизларнинг ўрта таълим олиш имконияти” мавзусидаги маъруза

24 май куни Душанбеда С. Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университетида “Тожикистонда қизларнинг ўрта таълим олиш имконияти” мавзусида очиқ жамоатчилик маърузаси бўлиб ўтди.

Маъруза Уруш ва тинчликни ёритиш институтининг (IWPR) Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилувчи “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Маърузачи “Олий маълумотли аёллар” жамоатчилик ташкилоти раисаси, ЮНЕСКО кафедраси профессори Гулжаҳон Бобосодиқова бўлди.

“Жорий йил Тожикистонда таълим йили деб эълон қилинган ва бизнинг мавзумиз бунинг қабатида янада долзарбла-



шади”, – деди маърузачи ТДПУнинг турли факультетларидан бўлган 50 дан зиёд талаба олдида чиқиш қиларкан. – “Гендер тенглиги ҳақида мавжуд қонунларга ҳамда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Тожикистон томонидан имзоланган халқаро ҳужжатларга қарамай, аслида таълим жараёнида ўғил болалар билан қизларнинг илм олиш имконияти турличадир”.

Г. Бобосодиқова сўзларига кўра, бунга аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетгани, аёлларнинг оиладаги роли ҳақида анъанавий тасаввурларнинг қайта тикланиши, таълим сифатининг тушиб кетгани каби кўплаб омиллар сабаб бўлмоқда.

“Бу масалада жуда кўп нарса ўқитувчиларга ҳам боғлиқ”, – деди у. – “Сиз, бўлажак педагог сифатида, ўқувчи қизларга нисбатан жуда мулойим бўлишингиз керак, чунки белгисандлик ҳам қизларнинг мактабга бормай қўйишига сабаб бўлиб қолмоқда”.

Талабалар фикрича, маъруза чоғида кўтарилган муаммо ҳақиқатан ҳам жуда долзарб бўлиб ҳисобланади.

“Маъруза жуда қизиқ бўлди, мен ўқитувчи бўлиб ишлаш бошласам, ундаги айрим маслаҳатларни албатта амалиётга татбиқ этман. Масалан, ўқувчиларнинг ота-онаси билан ишлаш ва бевосита мактабда амалга ошириладиган ишлар шулар жумласидандир”, – деди талабалардан бири.

“Давлат идоралари матбуот хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаси” мавзусидаги семинар

28 ва 30 июнь кунлари Душанбе ва Хўжанд шаҳарларида “Давлат идоралари матбуот хизматларининг омма-

вий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаси” мавзусидаги семинарлар серияси ниҳоясига етди.

Тадбир Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилувчи “Марказий Осиёда оммавий ахборот воситалари орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ҳуқуқ ҳимояси таълими” лойиҳасини амалга ошираётган Уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) Тожикистондаги ваколатхонаси ҳамда “Тожикистонда сўз эркинлиги тармоғини кучайтириш” лойиҳасини амалга ошираётган Тожикистон мустақил оммавий ахборот во-



ситалари миллий ассоциацияси (ТМО-АВМА) томонидан USAID маблағи эвазига Интернет-юс ташкилоти қўлловида ўтказилди.

Бўлиб ўтган семинарларнинг мақсади расмий маълумот манбаларидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш ва давлат идоралари матбуот хизматлари, ноҳукумат ташкилотлари ва ОАВнинг самарали алоқа қилиш кўникмаларини ривожлантириш бўлди.

Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги ахборот департаменти раҳбари Давлат Назриев фикрича, бундай тадбирларни ўтказиш зарурлиги ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаган. “Бу вазиятга баҳо бериш ҳамда ОАВ ва ахборот манбалари ўртасида бундан буён ўзаро алоқа йўлларини топиш учун яхши имкониятдир”, – дейди Давлат Назриев.

Душанбедаги семинарнинг бошқа бир иштирокчиси, Тожикистон Республикаси Оммавий ахборот воситалари бўйича кенгаши раиси, профессор Иброҳим Усмонов бу учрашув якунларидан яхши натижа кутмоқда. “Агар бу тадбир иштирокчиларидан ҳеч бўлмаганда бир нечтаси келажак фаолиятида бизнинг тавсияларимизни эътиборга олса ҳам, биз бунинг натижасини кўраимиз”.

Хўжандда мазкур тадбир янада кўпроқ акс-садога эга бўлди. Семинарни очаркан, ТМОАВМА раиси Нуриддин Қаршибоева оммавий ахборот воситалари-

қайд этди. Ўз навбатида, Хўжанд шаҳри раисининг биринчи ўринбосари Иброҳимжон Иброҳимов матбуот хизмати ходимларини журналистлар ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик қилишга чақирди.

Семинарнинг бошқа иштирокчилари ҳам бу каби учрашувларнинг самаралилиги ҳақида мулоҳаза билдирдилар: “Бунақа учрашувларни тез-тез ташкил қилиб туриш керак – бу ўзаро яқинлашувга ёрдам қилади ва томонларнинг бири-бирини тушуниш даражасини кучайтиради, – деб ҳисоблайди Хўжанддаги “Осиё” мустақил телерадиокомпанияси директори Аъзамхон Акбаров. – Бунақа учрашувларда иш жараёнида расмий идоралар вакиллари ва журналистлар ўртасида вужудга келадиган баҳсли вазиятларни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиш имконият туғилади”.

“Вароруд” агентлиги бош директори Илҳом Жамолиён фикрича, бундай семинарлар ўтказиш зарурати аллақачон етилган.

“Вилоят миқёсидаги давлат ҳокимияти органларида матбуот хизматлари бор, бироқ уларда ишлаётган кўп ходимлар ОАВ билан ишлаш ва ҳатто журналистлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасига эга эмас, бу улар учун яхши тажриба бўлди. Бу тадбир нақадар катта қизиқиш уйғотганига қараб туриб, тренинг ўз олдига қўйган ҳокимият органлари ва журналистлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилаш мақсадига эришди, десак бўлади. Мен келажакда бу ишни давом эттириш лозим, деб ўйлайман”.



## ДОЛЗАРЪ ИНТЕРВЬЮ



### Тожикистон омбудсмени: “Биз барчадан бирдек ариза қабул қиламиз”

Ўтган йилнинг май ойи охирида Тожикистонда биринчи марта омбудсмен тайинланди. Тожикистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Зариқ Ализода IWPRга берган интервьюсида бир йил ичида амалга оширилган ишлар натижаси, келажакдаги режалар ҳақида гапирди ва мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият бўйича ўз баҳосини берди.

Интервьюни IWPRнинг Тожикистон бўйича муҳаррири Парвина Ҳамидова ўтказди.

**IWPR:** *Май ойида Сизнинг омбудсмен этиб тайинланганингизга бир йил тўлади. Ҳуқуқ ҳимоячиси ролида ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?*

**Ализода:** Бу йил бизнинг ташкилот учун имтиҳон йили бўлди, деган бўлардим... Мен бу кўп ишларни амалга оширишга улгурдик, деб ўйлайман. Энг аввало, биз институционализация босқичидан ўтдик, кўплаб ташкилий масалаларни ҳал қилиб олдик... Бундан ташқари, биз 2010 йил учун жуда кенг кўламли режа ишлаб чиқдик. У ишимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради ва омбудсмен апаратининг бундан буён мустақамланишига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Хусусан, мазкур режа республиканинг чекка жойларида жамоатчилик қабулхоналарини барпо қилишни кўзда тутди. Улар сони қанча бўлиши ҳозирча маълум эмас, ҳаммаси бизнинг ташкилий ва моддий-техник имкониятларимизга боғлиқ. Ҳозир биз ўзимизга қўллов кўрсатиши мумкин бўлган донорларни ҳам излаяпмиз. Энг аввало, вилоят марказлари бўлмиш Хўжанд, Қўрғонтепа ва Хоруғда, шунингдек, Ваҳдат, Турсунзода, Кўлоб, Рашт туманларида қабулхоналар очишни истардик.

Вилоятларда ўз ваколатхоналаримизни очилган асосий мақсад ўз ишимизни мобиллаштиришдан иборатдир. Яъни бунда маҳаллий миқёсдаги масалаларни жойларнинг ўзида ҳал қилиб, қолганини марказий идорага юбориш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, биз бошқа ҳужжатларни ҳам ишлаб чиқдик. Шу жумладан, Тожикистон Республикасининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги қонунида кўрсатилганидек, омбудсмен қошидаги экспертлик кенгаши ҳақидаги низомни ишлаб чиқдик. Бу турли тузилмалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан иборат консультатив орган бўлади. Экспертлик кенгаши қошида, агар зарурат туғилса, муайян йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар ҳам тuzилиши мумкин. Ҳозирда бу тузилма шаклланиш босқичида турибди.

Омбудсмен фаолиятининг бошқа йўналишлари бу йиллик ҳисоботни тайёрлаш, уни мен февраль ойида тақдим этмоқчиман. Дарвоқе, бу ҳисобот устида бизнинг жамоатчилик қабулхоналаримиз ҳам ишлайдилар, бу эса ҳисоботни чекка ҳудудлардаги вазият ҳақида аниқ маълумот билан янада холисроқ тайёрлаш имконини беради.

Шу тариқа, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти фуқаролар ҳуқуқларига риоя қилиниши масалалари бўйича барча давлат ташкилотлари ўртасида мувофиқлаштирувчи органга айланиши керак.

Тузилмамиз ҳали янги, шу важдан биз ҳақимизда кўпроқ маълумотга эга бўлишлари учун батафсил маълумот ёзилган брошюра ва буклетлар ишлаб чиқдик. Июнь ойидан бошлаб аҳолини ўз ишимиз, мақсадларимиз, иш услубимиз ҳамда ҳамкорлик имкониятлари билан таништириш мақсадида турли жойларда қатор семинарлар ўтказиб берамиз. Бу семинарларда бизнинг вакилларимиздан ташқари фуқаролик жамияти вакиллари ҳам иштирок этадилар.

Ўз таассуротларим ҳақида гапирадиган бўлсам, бу ишда менга энг ёққан жиҳат одамларга уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида ёрдам бера олишимиз бўлди. Аммо, муаммо шундаки, ҳамма ҳам ўз шикоятлари ҳақ эмас. Одамларни улар қонун нуқтаи назаридан ноҳақ эканига ишонтириш қийин.

**IWPR:** *Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил сифатида ишингизнинг асосий натижалари рақамларда, мисолларда қандай акс этди?*

**Ализода:** Омбудсмен лавозимига тайинланишим 27 май куни бўлган эса-да, институтимиз ишга ўтган йилнинг сентябрь ойидан киришди. Ўтган вақт мобайнида бизга фуқаролардан 895 та мурожаат бўлди, уларнинг 300 таси ёзма шаклда келиб тушди, қолганлари оғзаки мурожаатлар.

Идорамиз қабулхонасида фуқароларни навбатчи кутиб олади, бундан ташқари, институт раҳбарияти ҳам қунига одамларни қабул қилади. Масалан, мен чоршанба ва шанба кунлари қабул қиламан. Бошқа кунлари омбудсмен апарати раҳбари ва бўлим бошлиқлари қабул қиладилар.

Бизга турли тоифадаги фуқаролар мурожаат қиладилар. Суд маҳкамалари бўйича мурожаатлар кўп бўлади. Бунақа арзлар умумий мурожаатларнинг қарийб ярмини ташкил қилади. Одамлар суд ҳукмлари юзасидан шикоят қиладилар, уларнинг қонуний эмаслигини даъво қилиб келадилар. Одамларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ижроия ҳокимияти идоралари, ноҳақ ишдан бўшатган иш берувчиларга нисбатан эътирозлари бор.

Тожикистон фуқароларидан ташқари бизга чет элликлар ҳам мурожаат қилиб турдилар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Биз барчадан бирдек ариза қабул қиламиз.

Бизга ариза билан мурожаат қилганларнинг кўпчилиги Афғонистон фуқаролари бўлиб, улар учинчи мамлакатга, масалан, Канадага кўчиб ўтишга ёрдам бериш масалалари бўйича мурожаат қиладилар. Бунақа пайтларда биз фақат учинчи давлатга кўчиш имконияти бўйича БМТнинг

қочқинлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармасидан маълумот олиб беришдагина ёрдам беришимиз мумкин. Бунда кўп нарса, аввало, қабул қилувчи томонга боғлиқ.

Россияга кўчиб ўтган ҳамюртларимиздан ҳам бир неча мурожаатнома бор. Масалан, бизга аввал Тожикистонда яшган Россия фуқароси мурожаат қилди. У 90-йилларда ишлаётган жойида ногирон бўлиб қолган, бироқ ўзингизга маълум воқеалар [1992-1997 йиллардаги фуқаролик уруши] чоғида мазкур ҳодисани тасдиқловчи барча ҳужжатларини йўқотган экан. Биз Тожикистон Адлия вазирлиги ва Адлия кенгаши кўмағида унга бу ҳужжатларни тиклашда ёрдам бердик.

**IWPR:** *Сиз ҳисобот тайёрланаётгани ҳақида гапириб ўтдингиз. Унда асосий эътибор нисбатларга қаратилади? Қайси жабҳада инсон ҳуқуқлари бузилиши Сизни кўпроқ ташвишлантирмоқда?*

**Ализода:** Биз ҳар чорақда ўз ишимиз юзасидан хулосалар чиқарамиз. Бироқ бунда битта йўналишни белгилаш қийин. Мурожаатлардан келиб чиққан ҳолда хулосаласак, одамларни суд идоралари ҳукмлари ташвишга солапти. Мен бу ерда мамлакат қонунчилигидаги ўзгаришлар билан, Суд-ҳуқуқий ислохот дастурини амалга ошириш билан боғлиқлик ҳам бор, деб ўйлайман.

Бу йил судларга янги ваколатлар берган (масалан, ҳисба олиш учун санкция бериш ва ҳ.) янги жиноят-процессуал кодекси кучга кирди. Мен айнан шунинг учун суд органларига нисбатан шикоятлар кўпайиб кетди, деб ҳисоблайман. Мен бу шикоятлар бундан ҳам кўпаяди, деб ўйлайман.

**IWPR:** *Тожикистонда инсон ҳуқуқлари кўпича судларда бузилади, деб айтиш мумкинми?*

**Ализода:** Йўқ, мен бу деганим йўқ. Мурожаатномаларнинг кўпчилиги судларнинг айбдорлигини аниқламайди. Уларнинг ваколати кўпайди ва шундан келиб чиққан ҳолда, масъулияти ҳам ошди. Бу мурожаатномалар ҳар доим ҳам реал асосга эга эмас. Судда доим ютказган, шу туфайли норози бўлган томон бўлади.

Бизда, масалан, киши суд ҳукмидан норози бўлган мисоллар бор эди. Биз буни текширдик ва қонунчиликка зид келадиган жиҳатни топмадик, биз унга тушунтиришга уриндик, аммо у саркашлик билан фақат ўзини ҳақ эканини айтиб туриб олди.

**IWPR:** *Сизнинг мақомингиз бошқа давлат тузилмаларига қараганда оммабопроқ бўлишни талаб қилишига қарамай, бу йил сиз инсон ҳуқуқлари*

*очиқдан-очиқ бузилган айрим ҳолларга ҳеч қандай муносабат билдирмадингиз: масалан, оммавий ахборот воситаларида бир неча бор ёзилган Роғун ГЭСи акцияларининг мажбуран тарқатилган ҳолатларга. Нима учун сиз баёнотлар, тавсиялар билан чиқмадингиз?*

**Ализода:** Мен акциялар мажбуран тарқатилди, демаган бўлардим. Албатта, мен бу ҳақда матбуотда чиққан мақолаларни кўрдим. Аммо бизга бундан ҳолатлар юзасидан ҳеч ким мурожаат қилгани йўқ.

Агар қандайдир баёнотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, мен бунга муносабат билдиришим мумкин. Аммо мен бундай қилмадим, чунки бунга зарурат бўлмади, деб ҳисоблайман. Агар қандайдир гап-сўзлар юрган бўлса, бу баёнот билан чиқишга сабаб бўлолмайди.

Айниқса, Роғун ГЭСи акциялари ҳақида гап кетганда, аввало, президент Имомали Раҳмоннинг ўзи уларнинг фақат ихтиёрий тарзда тарқатилиши шартлиги хусусида бир неча маротаба расман билдирган. Ўз ватанини севганлар ва молиявий имкониятга эга бўлганлар бу акцияларни сотиб олишлари керак. Ўзим ҳам шундай фикрдаман. Роғун Тожикистон учун тақдирни белгиловчи лойиҳа ва у мамлакатимиз келажиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Менинг оммага кўриниб туришимга келсак, айтишим мумкинки, ўтган йили мен матбуотда тез-тез чиқиб турдим.

**IWPR:** *Айрим шов-шувли воқеалар бўйича алоҳида сўрамоқчийдим. Мен исфаралик 30 яқин шахснинг судланганини назарда тутаяпман. Бу судловнинг нақадар адолатли бўлгани ҳақида ҳатто собиқ бош прокурор [Бобоҷон Бобохонов] ҳам ўз шубҳаларини айтганди. [Таҳририят изоҳи: 2009 йилнинг июнь ойида исфарали 31 шахс 25 йилгача озодликдан маҳрум қилинганди, ваҳоланки, прокуратура уларга озроқ жазо муддатини сўраганди. Улар бандитизм, ноқонуний қурол сақлаганлик, пул ювганлик, маблағ ўмарганлик ва солиқларни яширганликда айблангандилар.]*

Шунингдек, бу воқеалардан кейин судланувчиларнинг адвокати баёнотини чоп этган уч газетага [“Азия-Плюс”, “Фараж” ва “Озодагон”] нисбатан ўтказилган маҳкама жараёнларига тўхталмоқчийдим. Сиз бу иш юзасидан қандай изоҳ берган бўлардингиз, чунки [адвокат] Жўраев баёноти сизга ҳам йўналтирилганди?

**Ализода:** Исфараликлар ҳақида гапирадиган бўлсак: улар ўз вақтида бизга мурожаат қилишган, аммо иш судда кўриб чиқиляётгани учун биз улар-

нинг барча аризаларини судга топширганмиз.

Исфараликларнинг ўзларига эса биз ўз манфаатларини судда қандай қилиб ҳимоя қилиш бўйича қатор тавсиялар берганмиз.

Адвокатнинг баёнотига келсак, у ерда эса коррупция ва бошқа шу каби жуда жиддий жиноятлар ҳақидаги масалалар кўтарилганди. Қонун бўйича биз жиний ишларни кўриб чиқолмаймиз, шунинг учун ҳам биз бу аризаларни текшириш учун Бош прокуратурага юборганмиз.

**IWPR:** *Ҳозир уч газетага нисбатан келтирилган маҳкама жараёнини қандай баҳолайсиз, буни сўз эркинлигига нисбатан босим сифатида баҳолаш мумкинми?*

**Ализода:** Бу маҳкамада бизнинг вакилимиз иштирок этапти. Суд тугамагунча биз бу иш юзасидан бирор изоҳ беролмаймиз. Буни босим ўлароқ баҳолаб ҳам бўлмайди.

**IWPR:** *Тожикистон қамоқхоналаридаги маҳбуслар аҳволи – яна бир муаммо... Айтинчи, Сизда пенитенциар муассасаларга бемалол кириш ваколати борми? Маҳбуслар вазияти ҳақида нисбатларни биласиз? Уларнинг қамоқхонадаги шароити Тожикистон имзолаган халқаро ҳужжатлар талабига жавоб бериши учун қандай чоралар қўллаяпсиз?*

Ализода: Қонун бўйича менга истаган пенитенциар муассасага кириш, маҳбуслар сақланаётган шароит билан танишиш ҳуқуқи берилган. Менинг бу ишни яқин орада шахсан амалга ошириш ниятим бор.

Мен у ерда муайян муаммолар борлигини биламан. Бу муассасаларнинг кўпи барпо этилганига узоқ йиллар бўлган, улар ўтган асрнинг 30-йилларида қурилган. Бинолар бу вазифаларни бажариш учун унча ярамайди. Бу масалани қандайдир йўллар билан ҳал қилиш пайти келди. Давлатимиз мамлакат ахлоқ тузатиш муассасалари учун янги бинолар қуриш масаласида ёрдам бериш илтимоси билан донорларга мурожаат қилган. Омбудсмен институти бу масалани кўтариб, имкон қадар ҳал қилишга эришмоқчи.

Қийноқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу муаммо фақат шу муассасалардагина бор, деб бўлмайди...

**IWPR:** *Қийноқлар масаласида батафсил гапириб бера оласизми? Сизнингча, бу муаммо бизда нақадар долзарб?*

**Ализода:** Бунақа муаммо бор. Бизга ҳисба олинган ва сўроқ қилинганда қийноқ қўлланилган фуқаролардан бир

неча ариза тушган. Биз бу йўналишда ишлаш ниятидамыз, шу жумладан, бунга алоқадор бўлган ташкилотлар билан бирга ҳам.

**IWPR:** *Яқинда Тожикистонда бўлган БМТ бош котиби Пан Ги Мун ўз баёнотида республикада Қийноқлар ҳамда муомала ва жазонинг аёвсиз, ғайриинсоний ёки кишини таҳқирловчи бошқа турларига қарши конвенцияга илова қилинмиш факультатив протоколни ҳанузгача ратификация қилинмаганига эътибор қаратди ва уни ратификация қилишга чақирди. Бу ҳақда фикрингиз қандай?*

**Ализода:** Ҳозир биз бу ҳужжатнинг ратификация қилиш имкониятлари ҳақидаги масалани ўрганаёмиз. Бу борада бир неча давра суҳбати ўтказиб, барча томонлар – ҳукумат структуралари, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан бу масалани муҳокама қилмоқчимиз. Бу тузилмалар барчасининг фикрлари диққат билан анализ қилиниши керак.

Гап шундаки, мазкур ҳужжат ратификацияси масаласида молиявий томон ҳам бор, масалан, қийноқ қўлланилганда товон тўлаш масаласи каби. Шу ваддан ҳам биз тавсиялар беришдан олдин барчасини диққат билан ўрганиб чиқишимиз лозим.

**IWPR:** *Мамлакатимиз ратификация қилмаган яна бир халқаро ҳужжат бу Аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф қилиш бўйича конвенцияга оид протоколдир. Аёллар ҳақ ҳуқуқларининг бузилиши муаммоси бизнинг мамлакатда жуда долзарб бўлиб турибди. Шу билан боғлиқ равишда Сиз бу протоколни ратификация қилиш бўйича лоббичилик вазифасини ўз зиммангизга ола билармидингиз?*

**Ализода:** Биз аёллар ташкилотлари билан жуда тигиз ҳамкорлик қиламиз. Биз улар билан бу муаммони ҳам муҳокама қилганмиз, шунингдек, гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва бошқа масалаларни кўтариб чиқаямиз. Айни пайтда бу ҳужжат ратификация қилиниши бўйича қандай муддатни аниқ айтиш қийин.

Тожикистонда келажақда ишлаш лозим бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар етарли: масалан, ўлим жазосининг бекор қилинишини кўзда тутовчи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактга оид протокол, Ногиронлар ҳақ-ҳуқуқлари бўйича конвенция кабилар шулар жумласидандир. Биз бу йўналишларнинг барчаси бўйича иш олиб бормоқдамиз.

**IWPR:** *Тожикистон собиқ иттифоқнинг бошқа мамлакатлари қаторида жиноятчилик билан боғлиқ қонунчилигини аста-секинлик билан юмшатаёпти. Сизнингча, бизнинг мамлакатимиз ўлим жазоси каби жазо туридан тўлалигича воз кечишга тайёрми?*

**Ализода:** Бу масала айниқса постсовет ҳудуди мамлакатлари учун анча мураккаб масала. Бунга қатъий қилиб бир хил жавоб бериб бўлмайди. Бунда кўп жиҳат ўрганилиши, анализ қилиб чиқилиши керак. Бу саволга мен дафъатан жавоб бера олмайман. Бу ҳаддан зиёд жиддий муаммо.

**IWPR:** *Мамлакатдаги яна бир муаммо бу меҳнат муҳожирлари масаласидир. Президент Имомали Раҳмон парламентга йўллаган сўнги мурожаатида мазкур масалани мувофиқлаштирувчи махсус тузилма тузилиши зарурлигини айтди. Бўлажак тузилмага Сиз қандай маслаҳат берган бўлардингиз?*

Мамлакат ўз юртидан жуда узоқда бўлган фуқароларини қай йўл билан ҳимоя қилиши керак?

Ализода: Президентимиз бу ташаббуси жуда ўз вақтида кўтарилди. Муҳожирлар бизнинг мамлакатимиз учун, унинг иқтисодиёти учун муҳим. Бу бўйича махсус ҳукумат тузилмаси ҳозирда ўта зарур, чунки бугунги кунда мазкур масала билан кўплаб ташкилотлар шуғулланаёпти, бу эса уларнинг ишини мувофиқлаштиришни қийинлаштираяпти.

Бизнинг ташкилотимиз ҳам четда турмайди. Биз ўз ваколатларимиз доирасида хориздаги муҳожирларимиз ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалаларида кўмаклашамиз. Ҳозир фуқароларимиз ишлаётган Россиядаги бир қанча ҳудудлар омбудсменлари билан алоқаларимиз яхши, шунингдек, Россия Федерацияси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ўзи билан ҳам яхши алоқамиз.

Тожикистоннинг ўзида ҳам бу бўйича кўп иш қилиш мумкин. Энг аввало, ҳамюртларимизнинг ҳақиқий шартнома ва келишувлар асосида рисоладагидек ишга ёлпанишини ташкил қилиш масаласида тартиб ўрнатиш керак. Муаммоларнинг кўпи айнан ҳужжат йўқлиги туфайли келиб чиқмоқда. Масаланинг бошқа жиҳати профессионал кадрлар масаласи бўлиб, бу муаммони ҳал қилиш учун кўпроқ ўқув марказлари ташкил қилиш керак бўлади. Муҳожирларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳам ошириш зарур, бу муаммо туфайли улар кўпинча ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашолмаяптилар. Шунингдек, рус тилини ўрганиш даражасини ҳам кўтариш лозим.

## МАХСУС РЕПОРТАЖ

### Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси ОИТВ касаллиги ўсиб бораётганидан ташвишда

*Аҳолининг оммавий равишда кўчиши мазкур вируснинг кенг қўламда ёйилишига сабаб бўлмоқда.*

Дина Тўқбаева, Бексултан Садирқулов, Аслибегим Манзаршоева – Марказий Осиё

Қорнида етти ойли ҳомиласи бўлган Нигора ташхис учун қон топширганидан кейин ўзига одам иммунитетининг вирусни юққанидан хабар топди. Шифокорлар бу ҳақда унинг эрига айтганларида у пул топиш учун чет элга кетганида ҳимоя воситаларисиз жинсий алоқа қилганини тан олди. Унинг қонидан ҳам ОИТВ топдилар.

“Мен ҳатто бунақа касаллик борлигини ҳам билмасдим, шунинг учун ҳам ҳимоя воситаларидан фойдаланмабман”, – дейди Нигоранинг эри.

Нигоранинг чақалоғи ОИТВга чалинмай туғилди, лекин биринчи фарзанди кўкрак сути орқали бу вирусни юқтириб олди.

Нигора воқеаси минтақадаги минглаб воқеаларнинг бири, холос. Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан бўлган юз минглаб одамлар, аксарият эркаклар узоқ вақт чет элда, кўпинча Россияда юриб келадилар. У ерда бу одамлар ҳимояланмаган жинсий алоқа орқали ва баъзан томирга бериладиган наркотик истеъмолида битта игнадан фойдаланиш орқали ОИТВ юқтириб олиш хавфига дуч келадилар. Ватанларига қайтганларидан



кейин улар ўзлари билмаган ҳолда ўз жуфтларига вирусни юктириб қўйишлари мумкин – бунга кўпинча ОИТВ ҳақида билмаганлик ёки бу касалликни муҳокама қилишдан уялиш сабаб бўлиши мумкин.

Статистика маълумотларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларида ОИТВ касаллиги шиддат билан ўсиб бормоқда. Статистика мазкур касалликнинг кенг тарқалаётганига гиёҳвандларнинг битта игнадан биргалашиб фойдалангани ҳамда ҳимояланмаган жинсий алоқалар, айрим пайтларда фоҳишалар хизматидан фойдаланиш сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Бу борада тўла статистика йўқлигига қарамай, ОИТВ фақат алоҳида ижтимоий гуруҳ бўлмиш муҳожира орасидагина тарқалган касаллик эмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Бироқ муҳожира бошқа гуруҳлардан касаллик юктириб олинган тақдирда ўз шаҳарлари ва қишлоқларида уларнинг оиласи ҳам ҳимояланмаган қатламга кириб қолиши мумкинлиги билан фарқланади.

Мақолада сўз юритиладиган мамлакатлар - Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон минтақадаги беш мамлакат ичида аҳолининг катта қисми меҳнат муҳожирали ёки муҳожира оиласи аъзоси экани билан ажралиб туради. Бу масалада аҳоли билим даражаси пастлиги ҳисобга олинса, кўпинча



Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳри ОИТВ/ОИТС маркази яқинда анализ олиш учун янги жиҳозлар олди (Исомидин Аҳмаджонов фотоси)

муҳожиранинг хотини ҳомиладорлик пайтида ташхис учун анализ топширмагунча, у ҳам, унинг оиласи ҳам ОИТВ юктириб олган-олмаганини билмасликлари мумкин.

Экспертлар фикрича, аҳоли миграцияси тор доирада шприцлардан биргалиқда фойдаланишдан кўра тезроқ ва кенгроқ миқёсда касаллик тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

“Агар биз Марказий Осиёдан бўлган меҳнат муҳожирали сонига қарайдиган бўлсак – улар, ҳисоб-китобларга кўра, Қирғизистон ва Тожикистон аҳолисининг тақрибан бешдан бирига тўғри келади – бу муаммонинг нақадар аҳамиятли эканини тасаввур қилишимиз мумкин, – дейди Даниянинг DanChurchAid ва Нидерландиянинг католик хайрия ташкилотлари халқаро конференцияси (ICCO) Марказий Осиё офиси ОИТВ масалалари бўйича дастурий эдвайзери Василий Эсенаманов. – Меҳнат муҳожирали аҳолининг бир қисми бўлиб ҳисобланади – улар маргиналлашмаган ва гиёҳвандлар ёки бесоқолбозлар каби ўз доирасида ихота қилиб қўйилмаган”.

“Расмий статистикадан кўриниб турибдики, вирус астасе-кинлик билан бутун аҳоли орасида ёйилиб бормоқда ва бу касалликнинг юқиш ҳолатлари фақат гиёҳвандлар орасидагина эмас, балки наркотик истеъмол қилмайдиган ёш аёллар ва болалар орасида ҳам учраётганини аниқлатади. Бу жуда муҳим масала, чунки вирус бутун аҳоли ўртасида тарқалиб кетиши мумкин”.

Қирғизистон Аёллар конгресси раҳбари Замира Ақбағишева сўзларига кўра, “меҳнат муҳожиралининг ОИТВ юктириб олиш хавфи оддий одамлардан кўра кўпроқ. Доимий кўчиб юриш ... кўпинча янада қалтисроқ хатти-ҳаракатларга сабаб бўлади. Оиладан ва ўз жуфтидан айрилиш, аввалги ижтимоий бурчлардан озод бўлиш туйғуси, янги муҳит таъсирига берилувчанлик – буларнинг ҳаммаси муҳожиралига жуфтларини тез-тез алмаштириб туриш учун қулай шароит яратмоқда”.

### **ОИТВ марказий осийё бўйлаб кезиб юрибди**

Декабр ойи охиридаги маълумотларга мувофиқ, Тожикистон ОИТВ юктириб олган 1 853 киши рўйхатга олинган, улардан 80 фоизини эркаклар ташкил қилади. 2010 йил март ойида Қирғизистонда бундай кишилар сони 2837 киши бўлган, уларнинг 70 фоизини эркаклар ташкил қилади.

Ҳар иккала мамлакатда ҳам вирус юктирилишининг кўпроқ тарқалган усули тери остига банг моддаси юборишда шприцлардан такроран фойдаланиш бўлган. Вирус юктириб олиш билан боғлиқ ҳодисалар кўпроқ инъекцион гиёҳвандлар орасида учрайди. Касаллик юктириб олишнинг бошқа бир усули касалхоналарда тоза бўлмаган игналардан орқали инфекция юктириш бўлиб ҳисобланади – шу тариқа, 2006 йилда Қозоғистон жанубида 120 га яқин бола, икки йил кейин эса Қирғизистонда 170

бола вирус юктириб олган. Март ойида Ferghana.ru минтақа янгиликлари сайти 2007 йил ва 2008 йилда Ўзбекистон шарқидаги Наманган вилоятида тиббиётчилар совуққонлиги туфайли 150 болага касаллик юққани ҳақида хабар қилганди.

Тожикистон ва Қирғизистонда ҳимояланмаган жинсий алоқалар орқали касаллик юқиши 25 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон бўйича энг кейинги статистик маълумотлар 2008 йилга оид бўлиб, бу маълумотларга мувофиқ, мамлакатда ОИТВ юктириб олган 1 250 киши рўйхатга олинган. Агар ўша йили Ўзбекистонда аҳоли сони қарийб 27 миллион кишини ташкил қилгани эътиборга олинса, бу мамлакатда ОИТВ юктириб олганлар миқдори жуда кам кўринади.

Ўзбекистонлик ҳуқуқ фаолининг IWPRга айтишича, мамлакатда ОИТВ/ОИТС юктириш билан боғлиқ ҳолатлар миқдори сезиларли даражада пасайтириб кўрсатилган ва кейинги икки йил ичида бу бўйича ҳеч қандай статистика бўлмаган.

У ўзи ва ҳамкасблари олиб борган иш муҳожирали касаллик юктириб олганлар умумий сонининг унча катта бўлмаган фоизини кўрсатганини қайд этди. Айни пайтда, “меҳнат муҳожирали сони касалликка чалинганлар гуруҳидан анча кўплигини ҳисобга олсак, касаллик юктириб олган муҳожирали сони анча кўплиги келиб чиқади... Мазкур муаммонинг бошқа бир жиҳати тобора

кўпроқ аёлларнинг чет элга пул топиш учун кетаётгани ва уларнинг анчагинаси фоҳишалик билан шуғулланаётганидир, бу ҳам, албатта, ОИТВ юқтириш хавфини оширади”.

Исми ошкор қилинишини истамаган ўзбекистонлик таҳлилчи маҳаллий ноҳукумат ташкилотлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига мувофиқ, 2009 йилда мамлакатда ОИТВ юқтириб олган кишилар сони камида 7500 кишига етганини, улар орасида муҳожирлар улуши “тақрибан 25-30 фоиз”ни ташкил қилганини айтади.

Тожикистонда 2009 йилда бу касаллик билан рўйхатга олинганлар сони сони 30 фоизга ўсган, 2008 йилда эса бу ўсиш 35 фоизни ташкил қилганди. Айни пайтда, шифокорлар сўзларига кўра, бу ўсиш аниқроқ ташхис қўйиш билан ҳам изоҳланиши мумкин, бундай имконият БМТнинг ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғармаси томонидан молиялаштируви шарофати билан пайдо бўлган.

Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Тожикистондаги ҳудудий лойиҳаси миллий мувофиқлаштирувчиси, доктор Қатаён Фаромузова, айрим экспертлар фикрича, касаллий юқтириб олганларнинг аниқ сонини билиш учун расмий статистика маълумотларини ўнга кўпайтириш зарурлигини қайд этади. Бироқ, Фаромузоварнинг шахсий фикрича, расмий маълумотлар, масалан, ҳомиладор аёллар каби гуруҳларни қамраб оладиган анализларнинг самаралироқ олинishi туфайли ҳақиқатга яқиндир.

Тожикистондаги ОИТС республика марказида ишловчи Зухра Нурляминова ҳозирда одамлар ОИТВ бўйича текширувдан ўтишга келишга анча тайёр бўлиб қолди ва бутун мамлакат бўйлаб бунақа анализлар олинadиган ўнлаб клиникалар мавжуд, деган фикрга қўшилади.

“Бунгача мамлакатда экспресс-тестлар бўлмаганди, зарур жиҳозлар йўқ эди. Одамларнинг хабардорлик даражаси жуда паст эди, – дейди Нурляминова. – Энди эса улар телевидение орқали ижтимоий рекламаларни, шаҳар кўчаларидаги баннерларни кўраётдилар, шунинг учун ҳам мурожаат қилганлар сони анча кўпайиб қолди. Агар авваллари аноним кабинетга қарийб ҳеч ким ўз ихтиёри билан келмаган бўлса, ҳозир бунақа мурожаатлар кўпайди”.

### **ОИТВ тарқалишида миграциянинг роли нақадар аҳамиятли?**

Хориждаги меҳнат муҳожирларнинг ОИТВга йўлиқиши ҳоллари миқдорини аниқлаш янада қийинроқ вазифадир. Расмий маълумотлар бўйича 2009 йилда бундай кишилар сони 197 тани ёки касалликка чалинганлар умумий миқдорининг 11 фоизини ташкил қиларди. Қирғизистон меҳнат муҳожирлари бўйича касалликка чалинганлар сонини алоҳида ажратиб кўрсатмайди, бироқ расмийлар бу тоифа учун хатар кўлами кенглигини тан оладилар.

Онали ва болаликни ҳимоя қилиш миллий марказининг чақалоқлар патологияси бўлим мудири Сагинбу Абдувалиева сўзларига кўра, меҳнат муҳожирлари мамлакатда ОИТВга чалинганлар умумий сонининг 20 фоизини ташкил қилади.

IWPR томонидан сўралган ўзбекистонлик таҳлилчи мавжуд маълумотлар, бутун минтақада бўлгани каби, томирига банг моддаси юборадиган гиёҳвандлар энг кўп хатарга йўлиқиши мумкин бўлган гуруҳ эканини, айни пайтда “муҳожирлар ва фоҳишалар бир-биридан қолишмаган ҳолда, иккинчи ўринни ўзаро бўлиши олган”ини айтади. Шунингдек, у Ўзбекистондан бўлган, кўпроқ малакасиз эркак ишчилардан иборат муҳожирларнинг умумий сони бошқа мамлакатларга фоҳишалик қилиш учун кетаётган аёлларни ҳам ўз ичига олишини таъкидлайди.

Муҳожирлар оилалари орасида ОИТВнинг эҳтимолий ташувчиларини аниқлаш иши расмий статистиканинг йўқлиги билан қийинлашмоқда, дея қайд этади эксперт. “Айнан “оилавий” та-

шувчилар статистика учун энг яширин ва қийин аниқланувчи гуруҳлар бўлиб ҳисобланади, чунки улар юзага келган стереотик туфайли, одатда, барчага маълум бўлган хатар гуруҳига кирмайдилар”, – дейди таҳлилчи.

Эсенамановга кўра, Тожикистон ва Қирғизистонда “расмий статистик маълумотлар билан мустаҳкамланган фактлар йўқ. Бироқ Қирғизистон ва Тожикистонда ОИТВ масалалари билан фаолияти боғлиқ бўлган кўп ташкилотлар меҳнат муҳожирлигидан қайтаётган эркакларнинг рафиқалари орасида касаллик юқтириш ошиб бораётгани ҳодисаси йўқ эмас... Бу меҳнат муҳожироти натижасида касаллик юқтирганлар сони шиддат билан ўсиб бораётганини ва ОИТВ аҳоли ўртасида аста-секинлик билан тарқалиб бораётганини кўрсатиши мумкин”.

Тожикистондаги ОИТС бўйича республика марказининг ОИТВ юқиши олдини олиш бўйича мутахассиси Моҳира Ҳамидова ҳам муҳожирлик ва жинсий алоқа орқали вирус юқтириб олишнинг ўсиши ўртасида ўзаро алоқа куради.

“Агар авваллари инъекцион йўл билан вирус юқтириб олиш 70 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозир бу улуш 54 фоизга қисқармоқда, аммо жинсий йўл билан касаллик юқтириб олиш улуши ўсиб бормоқда”, – дейди Ҳамидова.

“Мен ОИТВ юқтириб олган ҳомиладор аёллар билан ишлайман, – дейди у. – Ҳозир республика маркази томонидан қузатув олиб борилаётганлардан 102 таси ҳомиладор. Уларнинг ичидан 70 фоизи муҳнат муҳожирларининг хотинларидир. Биз уларни поликлиникалар ва туғруқхоналарда тестдан ўтаётган аёллар ичидан аниқлаб оламиз, кейин эса улар инфекцияни меҳнат муҳожирлиги бўлган эридан юқтириб олгани маълум бўлади”.

Нурляминова вирус тарқатишда муҳожирлар асосий роль ўйнаётганига унча ишонмайди.

“Бунинг асоси меҳнат муҳожироти дейиш нотўғри бўлади. Чунки бунда асосни банг моддалари истеъмол қилувчилар ташкил этади. Меҳнат муҳожирлари эса бор-йўғи 11 фоизни ташкил қилади”, – дейди Нурляминова.

Фаромузова эса Тожикистонда меҳнат муҳожирлар барибир хатар гуруҳи бўлиб ҳисобланади, деган фикрда.

“Агар ёш эркаклар оиласидан узилиб, узоқ вақтга кетадиган бўлсалар, улар хатарга йўлиқишлари мумкин, – дейди у. – Бир томондан, бу улар шунақа ижтимоий шароитга тушиб қолгани учун содир бўлаяпти. Бошқа томондан, улар оилаларидан ажралган, руҳий ва бошқа барча эҳтиёжлар эса барибир сақланиб қолади. Ёшлар ота-она назоратидан чиқиб кетадилар ва ўзларини эркинроқ ҳис қила бошлайдилар, яъни бу жиҳатдан улар хатар остида қоладилар”.

Муҳожирлар қузатув учун муҳим гуруҳ бўлиб ҳисобланишига сабаб, Эсенаманов фикрича, улар аҳоли умумий сонининг катта қисмини (Қирғизистон ва Тожикистон аҳолисининг бешдан бирини) ташкил этиши бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат муҳожирлигига кетаётган одамлар сони Қирғизистонда 400 мингдан бир миллионгача, Тожикистонда эса 600 мингдан 1,5 миллионгача, Ўзбекистонда эса бир миллиондан тўрт миллионгача етади. Уларнинг катта қисми Россияга, озроғи Қозоғистонга кетади. Эсенамановнинг қайд этишича, “бу фоҳишалар, инъекцион гиёҳвандлар, бесоқолбозлар ва бошқа хатар гуруҳлари сонидан солиштириб бўлмайдиган даражада кўпдир”.

### **Муҳожирлар оИТВ ҳақида кам маълумотга эгалар**

Россия ва Қозоғистонда меҳнат муҳожирлари одатда малака талаб қилмайдиган ишларни бажарадилар ҳамда иш берувчилар ва маҳаллий милиция ходимлари томонидан ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига тез-тез дуч келиб турадилар.

Гарчи Россия ва Қозоғистон иммиграция хизмати вакиллари ҳозирда муҳожирлардан мамлакатга киришнинг асосий шарти сифатида ОИТВ бўйича анализ топширишни талаб қилаётган бўлсалар-да, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан бўлган ишчиларнинг кўпи бу текширувлардан қочиб, яширин иқтисодиёт жабҳасида ноқонуний равишда ишлаяптилар.

Тожикистондаги ОИТС маркази ходими Матлуба Раҳмонова ўзи ишлаётган клиникада ҳар куни четга кетаётган ўнлаб муҳожирлардан анализ олинишини ва улардан фақат бир фоизига ОИТВ юқтирган кишилар эканини айтади. “Шуни унутмаслик керакки, – дейди у, – муҳожирларнинг бир қисми – хорижда ноқонуний равишда ишлаётганлар бундай справкаларсиз четга чиқиб кетмоқда”.

“Меҳнат муҳожирлари кўмакка муҳтож гуруҳ эканини тушуниш зарур, – дейди Эсенаманов. – Улар ўз оиласини боқиш учун хориждан иш қидирадилар, кўпинча кам пул тўланадиган ва муваққат ишларда ишлайдилар ҳамда Россияда расмийлар ва маҳаллий фуқаролар томонидан тазйиққа учраб турадилар. Уларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, кўпчилиги яхши маълумот олмаган, қишлоқ жойда ўсган кишилардир. Репродуктив саломатлик ҳақида – жинсий йўл орқали юқувчи касалликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича таълимий дастурлар ва материаллар жуда кам бўлиб, бизнинг тадқиқотларимиз ОИТВ ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлар хавфи ҳақидаги билим даражасининг пастлиги ва презервативлардан фойдаланишни истамаслик каби таваккалчилик сўзсиз хатарни оширишини кўрсатмоқда”.

Эсенаманов сўзларига кўра, ОИТВ юқтириш фоҳишалар билан алоқа қилганда ҳам юқиши мумкин. У Санкт-Петербургдаги “Гуманитар ҳаракат” жамғармаси томонидан ўтказилган тадқиқотни эсга олди. Мазкур тадқиқотга мувофиқ, фоҳишаларнинг 50 фоизи игна орқали банг моддаси қабул қиладиган гиёҳванд бўлиб, бу фоҳиша-гиёҳвандларнинг 95 фоизи одам иммунтанқислиги вируси юқтириб олган аёллардир.

“Шунга кўра, фоҳишалар хизматидан фойдаланганда ОИТВ юқтириб олиш хавфи жуда кучли. [Муҳожирлар] презервативдан фойдаланмайдилар, чунки бунинг зарурлигини билмайдилар ва ОИТВ юқтириб оладилар, – дейди Эсенаманов. – ОИТВ юқтириб олганларини билмаган ҳолда улар уйга қайтганларидан кейин бу вирусни ўз хотинларига юқтирадилар”.

Инъекцион гиёҳванд бўлган ва умумий игнадан фойдаланган меҳнат муҳожирлари ҳам ОИТВ юқтириб олишлари ва уни ўз хотинларига юқтиришлари мумкин. Қирғизистонда, Ақбағишева сўзларига кўра, ОИТВнинг эрдан хотинга ўтиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Аввал ва ҳозирда меҳнат муҳожирлари бўлган кишиларнинг IWPРга берган интервьюси уларнинг ОИТВ нима экани, унинг қандай юқиши ва қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкинлигини мутлақо билмаслигини кўрсатди.

“Бизнинг гастарбайтерлар фақат фавқулдда вазиятларда, масалан, иш жойида бирор жойи лат егандагина тиббий ёрдам сўраб борадилар, – дейди Москвадан қайтган ва Қирғизистон жанубидаги Жалолободда истиқомат қиладиган Йўлдош. – Маълумотли одамлар ҳам бор, бу муҳожирлар ОИТВдан сақланадилар, бу ҳақда билмайдиганлар эса ўзини сақланмайдилар”.

Қирғизистон пойтахти Бишкекдан бўлган бўлажак шифокор Жасур ҳам бир муддат Россияда ишлаган. Талабанинг сўзларига кўра, унга таниш бўлган муҳожирларнинг кўпи ўқимаган кишилар бўлиб, улар ОИТВ ҳақида билмасдилар. Гарчи уларнинг айримлари томирга юбориладиган банг моддаси истеъмол қилган бўлсалар-да, Жасур “муҳожирлар орасида жинсий йўл билан ОИТВ юқтириб олиш биринчи ўринда туради”, дея таҳмин қилади.

Ўзбекистондан бўлган ҳуқуқ ҳимоячиси “меҳнат муҳожирларининг аксарияти ОИТВ/ОИТС нима эканини, унинг нақадар хавфлилиги, касалликнинг қай тарзда юқиши ва бунинг олдини олиш ҳақида унча тушунчага эга эмас. Кўпчилик эса ОИТВ тўғрисида мутлақо тушунчага эга эмас”, деган фикрда.

### **Одамлар беҳабарлиги; хотинлар гапиришдан уяладилар**

Анъанавий қишлоқ жамиятида аёллар, Эсенамановнинг айтишича, “ўз эрлари текширувдан ўтиши ёки презервативдан фойдаланишни талаб қилолмайдилар; улар ОИТВ ҳақида ҳам ҳеч нарса билмайдилар. Эрларидан касаллик юқтириб олган аёллар вирус юққан болаларни туғадилар, чунки бу аёллар унинг вертикал равишда – онадан болага юқишининг олдини олишни билмайдилар”.

Нурляминова меҳнат муҳожирлари бўлган эркалар, одатда, ўзларининг ОИТВ-мақоми ҳақида билмайдилар, деган фикрга қўшилади. “Улар ўзининг касалликка чалинганини ҳомиладор хотинлари ОИТВ бўйича текширувдан ўтганларидан кейингина билдилар”, – дейди у.

У жуфтлар билан мулоқот қилиш эркак киши ўзининг ОИТВ юқтириб олганини билган тақдирда очиқроқ бўлишини айтади. Бироқ, “хотин киши ўзининг касаллик юқтириб олганини биринчи бўлиб билган пайтда қийинроқ бўлади. Ўзининг хиёнат қилганликда асоссиз айбланишидан чўчиб, у бу ҳақда эрига қандай айтишни билмай, ойлаб жим юриши мумкин”, дея қўшимча қилади у.

Муҳожирларнинг кўпчилиги истиқомат қилган қишлоқ жойларда, одатда, одамларнинг бу касаллик тўғрисида кўп маълумотга эга эмаслар.

“Шаҳарликлар бу масаладан яхши хабардорлар. Улар ОИТС ҳақида эшитганлар, унинг юқиш йўллари билдилар ва жинсий алоқа пайтида эҳтиёт чораларини қўллаш оладилар”, – деди Нурляминова қишлоқ ёшларининг кўпи одатда бу ҳақда қарий ҳеч нарса билмаслигини ёки мутлақо ҳеч нарса билмаслигини қўшимча қиларкан.

“Меҳнат муҳожирларининг бошқа бир ўзига хос жиҳати бу оддий қишлоқ йигитларининг ҳеч қачон презервативдан фойдаланмаслигидир. Улар билан гаплашганингизда, бу йигитларнинг айримлари бунинг нима эканлигини ҳам билмаслиги, уларнинг хотинлари ҳам шундайлиги маълум бўлади”, – дейди у.

Ўтган йилнинг декабр ойигача Дания черков ёрдамининг дастур мувофиқлаштирувчиси бўлган Пия Дюрхаген маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда икки йилча аввал муҳожирот билан боғлиқ ОИТВ бўйича лойиҳага асос солди. Унинг сўзларига кўра, ОИТВ юқтириб олган ҳар қандай одам қаттиқ дискриминацияга дуч келади. “Қўшнилар, қишлоқдошлар ва ҳатто оила аъзолари улар билан гаплашишдан бош тортиб, ҳатто кўчада кетаётганда уларга тескари ўгирилиб оладилар, – дейди у. – Шунақа ҳодисалар ҳам бўлганки, болалар ОИТВга чалинганини билган мактаб директорлари уларни мактабга қўймаганлар. Тожикистонда [бизнинг НХТ] ҳамкорларимиз муҳожир эрларидан ОИТВ юқтириб олган ёш аёллар ўзларини ўлдиршигача боргани ҳақида гапириб бергандилар”. “Буларнинг ҳаммаси одамларнинг бу вирус ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмаслигидан келиб чиқмоқда”, – дея қўшимча қилади у.

Одамларда маълумот йўқлигига қисман шу кунгача таълим дастурларнинг хатар тоифалари доирасини торайтириш билангина шуғуллангани ҳам сабаб бўлмоқда.

“Касаллик юқишининг бу йўли умуман аҳоли ўртасида мавжудлиги жуда муҳим масаладир, – дейди Эсенаманов, – Марка-

зий Осиёдаги инъекцион гиёҳвандлар ва фоҳишалар камида етти йилдан буён махсус ахборот олиб турган бир пайтда жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида омма орасида ҳеч ким маълумот тарқатаётгани йўқ. Ҳар ҳолда, бу ахборот муайян тартибга эга эмас ва бу гуруҳ донор ташкилотлар учун устивор қатлам қаторига кирмагани учун қизиқиш уйғотаётгани йўқ. Жинсий алоқа ва презервативлардан фойдаланиш ўта уятли мавзу бўлгани бу мавзунинг айниқса мактабларда ва бошқа давлат муассасаларида муҳокама қилинишини қийинлаштирмоқда.

У ОИТВ юқтириб олган кишилар “тиббий муассасалар, расмийлар ва диний лидерлар ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида” уялтирилаётганини қайд этди.

“ОИТВ тарқалишини қисқартириш учун барча томонларни мулоқотга жалб қилиш керак, бу мулоқотда барча муаммоларни очиқ ва ўзаро ҳурмат асосида муҳокама қилиш мумкин бўлади”, – дея қўшимча қилди у.

### Ҳукуматлар чора кўришга киришмоқдалар

Минтақа мамлакатлари ҳукуматлари муҳожирлар хатар тоифаси эканини ва улар учун хабардорликни ошириш бўйича махсус кампаниялар ўтказиш кераклигини тобора яхшироқ тушуна бошлагани аломатлари кўринмоқда.

Ҳамидова Тожикистонда меҳнат муҳожирларининг хотинлари эндиликда туғруқхоналарда ёки гинеколог қабулида бўлганида ОИТВ бўйича текширувдан ўтиши шарт бўлган аёллар беш тоифаси ичига киритилганини қайд этди.

“Бу тестни ўтказмасдан туриб шифокорлар уларни текширишдан бош тортаяптилар”, – деди у ўтган йили барча тиббиёт муассасаларининг ОИТВ бўйича экспресс-анализ учун реактивлар билан таъминлангани вирусни юқтириб олган ва беш асосий тоифага кирмайдиган кўплаб аёлларни аниқлашга имкон берганини қўшимча қиларкан. Мазкур беш тоифага инъекцион гиёҳвандларнинг хотинлари, гиёҳванд аёлларнинг ўзлари ва фоҳишалар ҳам кириди.

Эсенаманов сўзларига кўра, “Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматлари ОИТВ бўйича ўз давлат стратегияларида муҳожирларни устивор гуруҳ қилиб белгилаганлар”. У ўз ташкилоти Қирғизистон ва Тожикистон расмийлари томонидан жавоб реакцияси бўлганини кўрганини ва эндиликда асосий муаммо “ОИТВ тарқалишини камайитириш бўйича самарали чоралар излаш ва бу чораларни амалга ошириш учун ресурслар қидириш” бўлиб ҳисобланишини айтди.

Ўзбекистонда яқинда қабул қилинган қонунга мувофиқ, ОИТВ бўйича текширувлар пулсиз ва яширин ўтказилиши лозим. Бироқ бу қонунда ҳали муҳожирларга алоҳида тоифа сифатида эътибор қаратилиши керак.

“[Ўзбек] расмийлари муҳожирларни фоҳишалар ва гиёҳвандлар билан бир қаторда хатар гуруҳи сифатида тан олмаётгани уларнинг ҳалигача ОИТВни олдини олиш ва касалларни қайдга олиш бўйича мажбурий тадбирга киритилмаганининг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади”, – деди ўзбекистонлик таҳлилчи.

Ўзбекистондан бўлган ҳуқуқ фаолининг айтишича, ҳукумат ОИТВ тарқалишига қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилаётган бўлса-да, у муаммога алоқадор ахборот ва статистика бўйича кескин чекловлар жорий этган. Бу муаммони одамлар тушунишига ёрдам бериш учун чоп қилинган варақаларни расмийлар “порнографик” дея айблаб чиқдилар, деди у.

IWPR аввалроқ хабар қилган шунақа воқеалардан бири психолог Максим Поповнинг етти йилга озодликдан маҳрум қилиниши бўлган. Бу Ўзбекистондаги суд унинг жинсий йўл

билан ва умумий игнадан фойдаланган тақдирда юқадиган касалликлар ҳақида ёшлар билимини оширишга қаратилган китобини гўё болаларни гиёҳванд моддалар қўллашга чақиргани учун ноқонуний топиш ҳақида ҳукм чиқарганидан кейин содир бўлган. Попов ОИТВ/ОИТСни олдини олиш бўйича гиёҳвандлар ва фоҳишалар билан ишлаган “Изис” номли гуруҳга раҳбарлик қиларди.

Эсенаманов IWPRга Марказий Осиёдаги донор ташкилотлар яқин давргача ҳам муҳожирларни устивор гуруҳга қўшмаганлигини, эндиликда эса вазият ўзгариб, қатор халқаро ва маҳаллий ноҳукумат ташкилотлари меҳнат муҳожирлари ва улар билан алоқада бўлиши мумкин бўлган одамлар ўртасида ОИТВ тарқалишини қисқартириш бўйича биргаликда иш олиб бораётганини айтди.

“Ҳозирча – лойиҳа бошланганидан бир йил ўтиб – кўплаб ижобий натижаларга эришилди ва бу лойиҳа давом этишию унинг кўлами кенгайишига умид бор”, – деди у.

БМТ ОИТВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича глобал жамғармаси лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси Бонивур Ишемкулов бир қатор ноҳукумат ташкилотлари эндиликда бошқа гуруҳлар каби муҳожирларга ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратаётганини айтди.

Айнан муҳожирлар орасида ОИТВни олдини олиш бўйича лойиҳа Марказий Осиёдаги ОИТВ-ташаббусни назорат қилиш бўйича лойиҳанинг (бу лойиҳа бюджети 27 миллион долларни ташкил қилиб, у Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва Британи-



Муҳожирларнинг кўпи Россияга бўлган узок сафарини автобусда амалга оширадilar (Бексултан Садиркулов фотоси)

янинг халқаро тараққиёт департаменти томонидан молиялаштирилади) бир қисми ўлароқ ўтган йилнинг декабр ойида ишга туширилган. Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида жойлашган таълим маркази Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзидаги ишни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Айни пайтда, Қирғизистон Аёллар конгресси томонидан февраль ойида ишга туширилган ОИТВнинг олдини олиш бўйича лойиҳа тўғридан-тўғри мигрантларга ахборот етказиб бериш мақсадини кўзлайди.

“Бизнинг тренерлар бозорларга, аэропортларга ва темир йўл станцияларига бориб, муҳожирлар ўқиши ва ўзини қандай ҳимоя қилиши билишлари учун уларга варақа ва плакатлар тарқатиб келадилар”, – сказала Аёллар конгресси вакиласи.

Сўралган экспертларнинг аксарияти, гарчи ОИТВ бўйича хабардорликни ошириш юзасидан кампания ўта зарур бўлса-да, пул

топиш учун чет элга чиқиб кетаётган ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар қандайдир хавfli гуруҳ деб ҳисобланиши керак эмаслигини алоҳида қайд этишга уриндилар.

Доктор Фаромузова ишчи кучининг ташаббускорроқ қисми бўлмиш муҳожирлар “қўрқув, дискриминация ва шармандалик” нишонига айланиб қолмаслиги лозим, дея мулоҳаза билдирди.

“Улар ўз оилаларини маблағ билан таъминлаётгани, ижтимоий тарангликни пасайтираётгани, тараққиётга ўз ҳиссаларини қўшаётгани етмагандай, уларга яна бунақа ёрлик ёпиштирилиши ортиқча бўлади”, – деди у.

Ақбағишева ҳам унинг фикрига қўшилади. “Биз муҳожирларни айбсиз айбдор қилолмаймиз. Аммо биз улар билан алоҳида иш олиб боришимиз керак”, – деди у.

## Гуантанамо собиқ икки маҳбуси ишининг қайта кўриб чиқилишига оид чақириқлар

*Ислоний жангариларга қўшилганликда айбланаётган икки кишининг иши қайта кўриб чиқилиши ва уларга белгиланган қамоқ муддати қисқартирилиши керак, демоқда юристлар.*

Дабири Кабир, Далер Ғуфронов, Парвина Ҳамидова – Марказий Осиё

Заңгерлер 2007 жылы АҚШ-тан аударылған, Тәжікстанда ұзақ уақытқа бас бостандығынан айрылған Гуантанамо түрмесінің бұрынғы тұтқындары екі адамды бұдан әрі ұстауға ешқандай негіз жоқ дейді заңгерлер.

29 жастағы Мукит Вохидов пен Рукниддин Шарофов 2007 жылдың наурызында Тәжікстанға қайтып жіберілген соң, бірден тұтқынға алынып, сот процесіне жіберілді. Олар жалпы тұтқында бес жыл және төр айын өткізді, мерзім алдымен Ауғанстанда басталып, кейін Гуантанамоға аударылды. Олар Өзбекстанның имлам қозғалысының операцияларына қатысты (ӨИҚ) және шекараны заңсыз кесіп өтті деп айыпталып 17 жылға бас бостандығынан айрылған еді.

IWPR Тәжікстанның прокуратурасының істі қайта тарап, түрме мерзімін қысқартуы мүмкін екенін ескереді.



*Душанбедегі Вохидов пен Шарофов ісі бойынша сот процесі («Озоди» радиосының фотосы)*

Вохидов пен Шарофов 2001 жылдың қарашасында Ауғанстанның солтүстігіндегі Құндық қаласында Солтүстік Альянстың талибандықтарға қарсы күштерімен ұсталып, АҚШ-тың қарауына жіберілген болатын.

АҚШ билігі 2004 жылы екі тұтқынның куәгерлік жазбаларын жариялады, онда олардың ӨИҚ-на қатысы бар деп айыпталғаны көрсетілген. ӨИҚ АҚШ үкіметінің лаңкестік ұйымдарының тізіміне кіреді.

Құжаттарда Вохидовтың Тәжікстанның батыс бөлігінен Ауғанстанға 2001 жылдың қаңтарында тікұшақ арқылы жеткізілгені, шамамен осы уақытта Шарафовтың да келгені айтылады.

Гуантанамо соты Вохидовтың ісін қайта қараған және Шарофов куә болған процесс кезінде жарияланған бұл куәгерлердің жазбалары олардың 200 жылы ӨИҚ қатарына кіргені, одан кейін Тәжікстанның солтүстігіне әкелінгенін көрсетеді. Бұдан кейін олардан құжаттарын тартып алып, Ауғанстанға жіберерден бұрын түрлі жұмыс істеткені мәлім болды.

Айыпталғандар сотта өздерін Тәжікстан әскерінің қатарына алды деп ойлағанын, Ауғанстанға келмей тұрып ешқана ӨИҚ туралы ештеңе естімегенін айтады.

ӨИҚ 1990 жылдардың басында өзбекстандық Наманған қаласында бірқатар исламистердің бастамасымен пайда болды, кейін олар Өзбекстан билігі қолданған шаралардан қашып Тәжікстанға өтті. Бұл уақытта Тәжікстанда азаматтық соғыс қызып тұрған еді. ӨИҚ оппозиция жағында күш көрсететін партизандық топқа айналды. 1997 жылы соғыс аяқталған соң ӨИҚ жеке дара күш болып шықты, олардың жоспарында ортаазиялық мемлекеттеріне, оның ішінде ең әуелі Өзбекстанға қарсы соғыс ашу ниеті болды. Осы мақсатпен ӨИҚ партизандары 1990-2000 жылдары Өзбекстан мен Қырғызстанға бірнеше редтер жүргізді.

Орталық Азиядан ығыстырылып шығарылған ӨИҚ-ның жолын қушылар Ауғанстанға өтіп Талибандардың қатарына қосылады. 2001 жылдың соңында американдық күштер бұл елге басып кірген кезде ӨИҚ әскері Құндыз қаласында оларға үлкен қарсылық көрсетті. Біразы қаза тапты, енді біразы қолға түсті, алайда көпшілігі Пәкістанның солтүстік-батысындағы жаңа орынға қашты.

Гуантанамода барлығы Тәжікстаннан 12 тұтқын болды, олардың 11-і елдеріне қайтарылды. Қайтқандардың 3-еуінен (оның ішінде Вохидов пен Шарофов бар) басқасы босатылды. 12-інші тұтқын Умар Абдуллаев әлі күнге Гуантанамо түрмесінде отыр. Оның қорғаушысы Метью О'Хара Абдуллаев Вохидов пен Шарофовтың жағдайын көріп өзін Тәжікстанға жібермеуді сұрап отырғандығын айтады.

О'Хараның пікірінше, оның клиентіне үшінші бір мемлекеттен баспана беру қажет.

«Американдық Умарды Тәжікстанға жібермеуге шенеуніктердің құқықтық және моралді міндеттері бар. Оның ісінің жағдайына қарау керек», – дейді ол. Сонымен қатар ол тәжік билігінің Умарды қорғауы мүмкін емес және олар қорғамайды деген пікірде.

«Көзі ашық қоғам да, АҚШ-тың мемлекеттік департаменті де Тәжікстандағы түзету мекемелеріндегі адам құқығына байланысты жағдайды біледі және Тәжікстандағы жазалау жүйесі де айтарлықтай жақсы емес. Мұның бәрі біздің алаңдаушылығымызды тудыруы тиіс», – деді О'Хара.

Осы жылдың наурызында жариялаған 2009 жылғы адам құқықтары туралы баяндамасында АҚШ-тың Мемлекеттік департаменті Тәжікстандағы адам құқығына байланысты жағдайдың жағымсыз күйде қалғанын көрсетіп, азаптаудың барлығын, ұсталғандармен ұлттық қауіпсіздік қызметкерлерінің теріс қарым-қатынас ұстайтынын, әділ сот қарауына деген құқыққа жол берілмейтіндігін, түрмелердегі жағдайдың тым төмендігін және тұтқындарға Қызыл крест секілді халықаралық ұйымдармен байланысқа түсуге тыйым салынғандығын айтып кетті.

### **Жұмсартатын жағдайлар негізінде босату бойынша кампания**

Вохидов пен Шарофовтың ата-аналары ұлдарының ісін қайта қарау жолында күресті олар түрмеге түскен мезеттен бастап жүргізуде. Өткен жылы олар ел президенті Эмомали Рахмонға хат жазды, ол хат газет беттерінде жарияланды.

Олар Гуантанамода келтірілген дәлелдер және Тәжікстанда жүргізілген сот процестері 1981 жылы дүниеге келген тұтқындардың түрлі операциялар мен лаңкестік іс-әрекеттерге қатысы барлығын көрсетпейді, сондықтан оларға берілген мерзім өте ұзақ, әділетсіз дейді.

Мукиттың әкесі Валихон Вохидовтың сөзіне қарағанда тәжік соты істі жұмсартатын жайттарды назарына алмаған.

«Бұл екеуі бес жылдан астам қиындық көрді. Олар жас әрі тәжірибесіз болды. Олар ешқандай соғысқа қатысқан жоқ және ешкімді өлтірген жоқ. Бұл әділетсіз», – деді ол IWPR-ға.

Гуантанамоның өзге тұтқыны, Тәжікстанға қайта жіберілген Иброхим Насридди-

нов 2007 жылы кісі өлтіргені және қару сақтағаны, тасымалдағаны үшін 23 жылға бас бостандығынан айрылды, ол өзін кінәлімін деп мойындады.

Заңгерлер қылмыс түрін және басқа да жағдайларды ескере отырып Вохидов и Шарофов өте қатал жаза алды деген пікірге келуде, сонымен қатар үкім шығарыларда олардың Гуантанамо түрмесінде өткізген уақыты есепке алынуы керек еді.

Душанбелік заңгер Абдукаюм Юсуфов халықаралық келісімдерге сәйкес тәжік соты үкімде көрсетілген мерзімнен тұтқындардың АҚШ-та өткізген мерзімін алып тастауы керек еді дейді.

Парламент депутаты және Жоғарғы сот төрағасының бұрынғы орынбасары Махмадали Ватанов бұл іске қатысты түсініктеме бере алмады. Алайда ол Тәжікстан заңына сәйкес айыпталушының тұтқында өткізген кез келген мерзімі ескерілуі керек екендігін мойындады.

Тәуелсіз сарапшы және өткен жылға дейін Тәжікстандағы адам құқығы бойынша ЕҚЫҰ қызметкері болған Пайём Фуруги бұл істі жіті қадағалап отырған және ол барлық қажетті үрдістер сақталмады деген пікірде.

«Жауап берушілер сот алдында қорғаушымен кездесіп істі ұсақ-түйегіне дейін қарауға уақыттары болмаған тәрізді. Менің ойымша сотта оларды темір тордың ар жағында ұстап отыруға дәлелдері жеткіліксіз, сондықтан олар еркіндікке ие болуы керек, себебі олар үкіметке де, қоғамға да қауіп тудырмайды», – деді ол IWPR-ға.

2007 жылдың наурызында Тәжікстанға оралған соң олар тұтқындалып, оларға қарсы қылмыстық іс қозғалып, осы жылдың тамызында сот оларға қарсы үкім шығарды.

Фуругидің пікірінше сот Вохидов пен Шарофов ӘИҚ-на ерікті мүше болды, жоқ па – осыны зерттеуі керек еді.

«Дәлелдер олардың адам саудасының құрбаны болғандығын көрсетеді», – дейді Фуруги олардың өздерін қандай ұйым жалдап жатқанын білген-білмегені жайлы айта кетіп.

«Олар өздерін тәжік әскерінің қатарына қабылданып жатырмыз деп ойлады дегенді тұжырымдайды және бұл шындық секілді. Олардың алданып қалуы әбден мүмкін, ал бәрі белгілі болған кезде кеш еді, олардың құжаттары

тартып алды және басқа жерге баруға мәжбүрледі, онда олар келген жерлерінің Ауғанстан екенін түсінді, алайда қайта орала алмады. Қысқаша айтқанда, оларды алдады, күштеп басқа елге алып келді және сол жерде ұстап тұрды», – дейді ол.

Вохидов пен Шарофовтың үстінен жүргізілген сот төрағасы болған Мусомир Ураков соттың жеткіліксіз дәлелдер негізінде жүргізілгенін жоққа шығарады.

«Алғашқы инстанция бойынша істің және қорғаушы жақтың барлық дәлелдері қарастырылды және сот процесінің төрағасы ретінде үкімнің әділ шығарылғанын айта аламын. Ал қарсы шағымның болуы қалыпты іс. Мен процеске қатысушылардың кейбірінің үкіммен келіспеуі олардың заңды білмеуімен байланысты деп ойлаймын», – дейді ол.

Ал Вохидов пен Шарофовтың Гуантанамо түрмесіне өткізілген уақытының неге ескерілмегеніне байланысты сұрағымызға Ураков сотта олардың АҚШ түрмесінде болғаны жайлы құжаттың болмағаны туралы айтады.

«Біз заңдық тұрғыдан айыпталушылардың қандай айыппен ол түрмеде отырып және қандай желеумен босатылғандығын анықтай алмадық. Ешқандай құжатқа да қол жеткізе алмадық. Сондықтан қолымызда бар құжаттардың негізінде үкім шығаруға тура келді», – дейді сот.



Гуантанамо («Свобода» радиосының фотосы)

Атын атамауды жөн көрген душанбелік заңгердің айтуынша Гуантанамодан шығарылған тұтқындардың құжаты қоса жіберілмеуі жиі кездесетін жайт.

«Егер айып болмаса, оларды негізінен үйлеріне қайтарады және ешқандай құжат бермейді», – деді заңгер.

IWPR тілшілері Тәжікстандағы АҚШ елшілігімен байланысқан еді, бірақ ол жердің қызметкерлері Гуантанамоның бұрынғы тұтқындары тұтқында болғанын растайтын құжатпен келді ме, жоқ әлде құжатсыз келді ме – ол жағын айта алған жоқ.

Алайда 2007 жылы Тәжікстанның әділет министрінің орынбасары болған Азизмат Имомов аталған азаматтардың елге оралған соң ұсталып, тергеліп, жауапқа тартылғандығы дұрыс болғандығын және мемлекеттің заңына сәйкес олардың кінәлі екендігін айтады.

“Шет елде кінәсіз деп танылса да, бұл азаматтар Тәжікстанда заңға қайшы іс-әрекеттер жасады және ол үшін олар жазаға тартылуы қажет», – деді ол.

### **Прокурорлар істің қайта қаралып қалу мүмкіндігін күтуде**

Алайда аталған тұтқындардың ісі қайта қаралады деген үміт қазір бас көтеруде. 26 мамыр күні олардың ата-аналары

бас прокурор Шерхон Салимзодамен кездесті және одан ұлдарының істерін қайта қарауды, сонымен қатар олардың Гуантанамо түрмесінде өткізген уақытын ескере отырып жаза мерзімін қысқартуды сұрады.

Атын атамауды жөн көрген бас прокуратура қызметкері аталған кездесуден кейін прокуратураның Жоғарғы сотқа іс бойынша құжаттарды қайта қарау мүмкіндігімен жіберуді сұрап хат жібергендігін IWPR-ға айтып берді.

«Біз бұл істі бүге-шігесіне дейін зерттеуге ниет етіп отырмыз, қосымша толыққанды жауапты содан кейін беретін боламыз», – деді Бас прокуратура өкілі.

## ҚОЗОҒИСТОН



### **Қозоғистонда жамоатчилик норозилик намойишлари сонининг кўпайиши**

*Жамоатчилик намойиши ўтказиш йўли билан норозилик изҳор қилаётган гуруҳлар тобора кўпаймоқда.*

Андрей Гришин, Инсон ҳуқуқлари ва қонунга риоя қилиш бўйича Қозоғистон бюроси аъзоси.

Жамоатчилик норозиликлари бундан буён мухолифат гуруҳлари билангина чекланиб қолмаяпти, бундай тадбирларни иқтисодий бўҳрон оқибатларидан жабрланган турли тоифадаги одамлар ҳам тобора кўпроқ ўтказмоқдалар, дейди таҳлилчилар. Таҳлилчилар сўзларига кўра, турли норози гуруҳлар томонидан кўтариб чиқилаётган талаблар тобора сиёсийроқ тус олиб бормоқда ва улар борган сари кўпроқ мамлакатдаги расмий мухолифат дастурини қўлламоқдалар. Норозилик тадбирлари мамлакат пойтахти бўлмиш Остона шаҳри ёки унинг молиявий маркази бўлган Олмаота билан чекланиб қолаётгани йўқ.

Яқинда ўтган учта намойиш унинг иштирокчилари томонидан кўтарилган масалаларнинг серқирралигини кўрсатди. 19 май куни ўтган яқиндаги митинглардан бири давом этаётган молиявий бўҳрон туфайли бошқа кўплаб ширкатлар каби ўз фаолиятини тўхтатган қурилиш компанияси ҳиссадорлари (эллика яқин киши) томонидан уюштирилганди. Акциядорлар, улар фикрича, қуриб битказилмаган турар-жой учун товон пули қатори улушчиларга ажратилган квартираларнинг адолатсиз тақсимланишига норозилик билдириш учун Остонадаги ҳукумат биноси олдида тўпланганлар.

Намойиш махсус топшириқ бажарувчи полиция ходимлари томонидан тарқатилган.

Мамлакат шимолида жойлашган Кўкчетав шаҳрида маҳаллий бозор ёпилишидан норози бўлган ўнлаб савдогарлар икки кун давомида намойиш ўтказганлар. Бу тадбир полиция билан муштлашув ва 25 кишининг ҳибсга олинishi билан яқунланган. Апрель ойида Олмаота четида ерни эгаллаб олинганлар томонидан асос солинган Шанирақ поселкасининг 70 яшовчиси ва уларнинг мэрия биносига кириб боришига тўсқинлик қилган полиция ўртасида тўқнашув содир бўлди. Улар ер эгаллаб олувчилар учун катта аҳамиятга эга бўлган масала – ер қонунчилигини

муҳокама қилиш учун мэрияда ўтаётган мажлисга кирмоқчи бўлишганди. Шанирақда уй қуриб олган, аммо мулкни хатлай олмаган бу одамларда, расмийларнинг айтишича, бунақа ҳақ йўқ эди.

Муайян манфаатлар асосида бирлашган одамлар гуруҳи тобора кўпроқ мухолифат билан бир сафда туриб ишламоқдалар. 1 май куни Олмаотада “Халқ ҳокимияти” (“Народовластие”) блоки томонидан ўтказилган норозилик намойишларига улушчилар, фермерлар ва ипотека бўйича муаммолари бўлган фуқаролар қўшилганлар.



500 дан зиёдроқ киши хусусий мулк масалалари бўйича митинг ўтказганлар, бироқ митинг одатга айланиб қолган сценарийга кўра кўчаларни тўсиб олган ва одамларнинг тарқалишига йўл қўймаган полиция билан тўқнашувдан сўнг яқун топди.

Орадан уч кун ўтгач, “Темирбанк” офиси олдида полиция ва қарзини тўлолмагани учун мулки мусодара қилинаётган

қарздорлар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Намойиш иштирокчилари Қозоғистон банк тизимини тамсил этувчи шиша банкаларни синдирдилар, бироқ полиция уларни қўлга олишга уринган чоғда намоийшчилар ўз лидерларини полиция қўлидан озод қилишга муваффақ бўлдилар.

Таҳлилчилар сўзларига кўра, апрел ойидан полиция чоралари кескинроқ тус ола бошлади. Авваллари полиция кўпинча намоийш жараёнига аралашмасди.

Норозиларни ҳаракат қилишга ундаган омиллари нималигини билиш учун IWPR фаоллардан бири Айнура Қурмановдан интервью олди. У “Қозоғистон ижтимоий қаршилиги” ташаббус гуруҳига бошчилик қилади, шунингдек, “Талмас” ва “Қозоғистон-2012” каби бошқа икки ҳаракатнинг ҳам аъзоси бўлиб ҳисобланади. Апрель ойида у рухсат этилмаган намоийшда қатнашганлик айби билан 15 кун ҳибсхонада ушлаб турилган.

“Ижтимоий таранглик ўчоғлари жамиятнинг тобора кўпроқ қатламларини қамраб олмоқда, – деди у. – Биз ҳозир бўҳроннинг учинчи тўлқинидамыз: агар 2007-2008 йилларда бўҳрон молиявий жабҳани қамраб олган бўлса, эндиликда у ишлаб чиқаришни камайтирган ва ишсизлар сонини оширган ҳолда иқтисодиётнинг реал секторига ўтди... Ўтган йил охири ва шу йил бошида янги тўлқин бошланиб, у яқка тадбиркорлар ва майда корхоналарни хонавайрон қилди”.

“Ўзини алданган деб ҳисобловчи улушчилар акцияси йирик санаот корхоналари тарангликни ҳис қилиб турган бир пайтда ўтказилди”, деди Қурманов март ойида мамлакат ғарби жойлашган Манғишлақ вилояти Жанаўзен шаҳрида иш ҳақи кўтарилиши ва янги раҳбарият тайинланишини талаб қилган минглаб нефтчилар томонидан ўтказилмиш уч ҳафталик иш ташлаш ҳақида гапираркан.

Иш ташлаш томонлар ўзаро муросага келганидан кейин тўхтатилди, шунга қарамай, 21 киши жавобгарликка тортилди

– уларга ноқонуний иш ташлаш ўтказганлари учун жарима солинди.

Қурманов сўзларига кўра, “Бизда ҳар қанақа ижтимоий-иқтисодий чиқиш дарров сиёсий тус олади. Ахир давлат аппарати йирик хусусий ширкатларни қўллагани туфайли йирик бизнес ва ҳокимият чатишиб кетиши содир бўлди ва бунда ҳокимият доим ўз манфаатларини ҳимоя қилиши аён”.

“Шунинг учун ҳам одамларнинг оммавий намоийшлар ўтказиш орқали ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бошқа чораси йўқ”, – деди у.

Сиёсатшунос Эдуард Полетаев 6-7 апрел кунлари содир бўлган оммавий тартибсизликлар туфайли президент Қурмонбек Бакиев ҳокимиятдан ағдарилмиш Қирғизистондаги воқеалар Қозоғистон расмийларини ташвишга солиб қўйганини айтади. “Расмийлар ўз навбатида хушёр тартиб қолдилар: улар намоийшчиларга ишонсизлик билан қарамоқда”, – деди у.

Назарий жиҳатдан Қозоғистон йиғилишлар ҳақидаги қонунга риоя қилмоқда, аммо амалда намоийшлар мунтазам равишда тарқатилаяпти.

Олмаотада намоийш ўтказмоқчи бўлган ҳар қандай шахс шаҳар расмийларидан рухсатнома олиши шарт.

Мэрия ходими Олег Сидоров, шаҳар расмийлари буйруғига мувофиқ, бунақа жамоатчилик тадбирлари фақат бу учун махсус ажратилган жойда – “Сари-арқа” кинотеатри орқасидаги майдонда ўтказилиши лозимлигини айтди. “Агар бошқа жой бўйича ариза тушса, у автоматик тарзда рад этилади”, – деди у. Айни пайтда Сидоров ижтимоий норозилик намоийшлари ўтказишга рухсат беришни рад этиш бўйича буйруқ берилганини ва жорий йил бошидан буён намоийш ўтказиш учун берилган беш аризанинг фақат биттасига рад жавоби берилганини таъкидлади.

## Қозоғистон президентиға миллат раҳнамоси мақоми берилди

*Афтидан, мазкур қадамнинг мақсади Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев ўз ваколатларини топширишға қарор қилган тақдирда ҳокимиятни топшириш учун шароит яратишдан иборатдир.*

Ярослава Науменко и Антон Фрид – Қозоғистондаги штатсиз журналистлар. Евгения Плахина – “Голос республики” газетаси журналисти. (Н. Назарбоев фотоси)

20 йилдан буён Қозоғистонни бошқариб келаётган Нурсултон Назарбоевға миллат раҳнамоси мақоми берилди. Бу мақом унга эгаллаб турган лавозимини тарк қилишға қарор қилган тақдирда, сезиларли даражада сиёсий таъсири ва юридик даҳлсизлигини сақлаб қолиш учун имкон беради.

Қозоғистонлик таҳлилчилар фикрича, 13 май куни қабул қилинган мазкур конституциявий тузатиш Назарбоев хизматларини ўзига хос равишда тан олиниши бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, у президентнинг 2012 йилдаги сайловларда ўз номзодини қўймаслик имкониятини кўриб чиқаётгани ва мабодо у ана шундай қарорга келган тақдирда, ўз лавозимидан кетганидан кейин қатъий кафолатлар берилишини хоҳлаётганидан дарак бериши мумкин.

Назарбоев 1991 йилда янги мустақил давлат президенти бўлиб сайланганидан буён ўзгармас лидер бўлиб келаяпти. Бунгача у мамлакатдаги Коммунистик партиянинг биринчи коотиби лавозимини эгаллаб келган.

Мазкур тузатиш қабул қилинган куни қонун ташаббускорларидан бири ва Назарбоевнинг “Нур Ўтан” партияси аъзоси Рўзакул Холмуродов Қозоғистон парламентининг юқори палатаси – Сенат олдида чиқиш қиларкан, умрбод мақом президент хизматларини тан олишнинг ўзига хос кўринишини бўлиб ҳисобланишини билдирди.

“Биз ривожланган давлатлардан ўз лидеримизни ҳурмат ва эҳтиром қилишни ўрганишимиз керак”, – дея қайд этди Холмуродов. – “Энг ривожланган Европада қиролларни давлат раҳбари сифатида ўта эъзозлайдилар”.

Мухолифатчи журналист Сергей Дуванов бу нуқтаи назарға қўшилмайди: “Мамлакатда монархик ҳукмронлик ўрнатишға тайёргарлик кўрмоқдалар”.

Назарбоев миллат раҳнамоси сифатида ҳатто ўз лавозимидан кетганидан кейин ҳам ички ва ташқи сиёсатда ҳамда хавфсизлик масаласида сўнги сўзни айтиш ҳуқуқига эга

бўлади. Ҳибсга олиниш ва суд таъқибидан ҳоли бўлиш ҳамда оила аъзолари ва мол-мулкнинг дахлсизлиги ҳам шунинг ичига киради.

Бир пайтнинг ўзида конституциянинг янги моддаларига мувофиқлаштириш мақсадида бошқа қонунларга ҳам ўзгартишлар киритилди – Назарбоевнинг расмига зарар етказиш ва унинг биографиясига оид фактларни бузиб кўрсатиш каби жиноятнинг янги турлари жорий қилинди.

Мазкур қонунлар пакети ҳозирда Назарбоевнинг ўзига имзолаш учун тақдим қилинган.

Назарбоев ваколатларини, ўз лавозимини тарк этганидан кейин, шу тариқа узайтириш ғояси яқиндагина пайдо бўлган. IWPR томонидан сўралган таҳлилчилар бунда энг қизиқарли жиҳат бу каби қадамнинг қўйилиши учун танланган вақт ҳамда Назарбоев ва унинг оиласига дахлсизлик тақдим этилиши бўлганини қайд этадилар.

Улар мазкур ўзгартишлар қўшни Қирғизистонда президент Қурмонбек Бакиев оммавий норозиликлар натижасида ҳокимиятдан четлатилганидан, кейинроқ эса умуман дахлсизликдан маҳрум қилганидан кейинроқ пайдо бўлганини таъкидламоқдалар.

Мазкур қонун лойиҳаси Қозоғистон парламентида тақдим этилишидан бир кун аввал – 4 май куни Қирғизистон муваққат ҳукумати Бакиевнинг президентлик дахлсизлигидан маҳрум қилиниши ҳақида декрет чиқарди ва прокуратурага унинг экстрадиция қилинишига эришиш юзасидан топшириқ берди. Бу пайтда Беларус ҳудудида бўлган Бакиев 7 апрел куни ўз хавфсизлик кучларига намойишчиларга қарата ўт очиш ҳақида буйруқ ва рухсат берганликда айбланмоқда. Унинг уч акаси ва ўғли Максим Бакиевга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Қозоғистон президентининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Ермуҳамет Ертисбаев мазкур мақомнинг берилиши Қирғизистонда яқинда бўлиб ўтган воқеаларга мутлақо боғлиқ эмаслигини таъкидлайди.

Гарчи Назарбоев ҳали ўз ниятларини очиқламаган бўлса-да, бу қонун ҳокимият алмашувининг тахминий режасини ўзида акс эттирган.

Ертисбаев Интерфакс-Қозоғистон янгиликлар агентлигига берган ўз интервьюсида Назарбоевнинг президентлик лавозида кетиши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмаслигига ишора қилган.

“Назарий жиҳатдан қараганда, бу шу йилнинг ўзида ҳам содир бўлиши мумкин, аммо мен буни мутлақо истамасдим”, – дейди Ертисбаев. – “Нафсиларини айтганда, Қозоғистон халқи 2005 йилнинг декабр ойида [ўтган президентлик сайловларида] Назарбоевга жуда юқори даражада ишонч ва қўллов кўрсатган. Ва у 2012 йилнинг декабр ойигача ишлаб беришга мажбур”.

Гарчи Қозоғистоннинг бўлажак президентлари ҳокимият тепасида икки муддатдан ортиқ қололмасликлари белгилаб қўйилган бўлса-да, 2007 йилда Назарбоевга президентлик сайловида номзодини ўзи неча марта хоҳласа, шунча марта қўйишга имкон бериш учун Қозоғистон конституциясига ўзгартиш киритилганжи. Шундан келиб чиққан ҳолда, унинг 2012 йилда ўз номзодини қайтадан қўйиш учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди ва у мазкур сайловда осонгина ғалабага эришиши мумкин.

Мухолифатдаги “Ақ жўл” партияси лидери Алихан Байменов расмийлар ҳар қанақа тасодифнинг олдини олиш учун вазият ривожланишининг бир неча вариантини кўриб чиқаяптилар, дея тахмин қилади.



“Умуман олганда, бу президент нафақат режадаги, балки режадан ташқари содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг турли вариантлари ҳақида ўйлана бошлаганини аниқлатади”, – дея қайд этади у.

Сиёсий қарорлар институти ички сиёсат бўлимининг раҳбари Максим Казначеев Назарбоевнинг доимий равишда ҳокимият тепасида қолиш истагига мувофиқ бўлган бу ғояни президентнинг ўзи эмас, унинг атрофидаги кишилар ўйлаб топган, деб ишонади.

“Бу уларнинг ҳокимиятни ворисга ўтказишнинг босқичма-босқич, “юмшоқ” шакли бўйича тасаввурларидир”, – дейди Казначеев. – “Президент ўз лавозимидан ҳеч қачон кетмаслиги ҳаммага тушунарли”.

У миллат раҳнамоси концепциясини 1990 йилда Ли Куан Ю бош вазир сифатида ўз ваколатларини топширганидан кейин аввал катта вазир, кейинроқ эса устоз вазир лавозимига тайинланган Сингапурдаги тажриба билан ҳам таққослади.

Казначеев сўзларига кўра, Қозоғистон сиёсий истеблишменти икки президент – Бакиев ва унинг салафи Ақаев ҳокимиятдан ағдарилган, уларнинг атрофидаги кишилар эса президентлар ордидан кетишга мажбур бўлган Қирғизистондаги воқеалар қайталанишини истамаёпти.

Назарбоев ҳокимиятини сақлаб қолиш бўйича қадамлар Қозоғистон томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига раислик мақомини олиш мақсадида берилган ислохот ваъдаларига мутлақо зид келади. Казначеев фикрича, ҳукумат эҳтимолий қийинчиликларга дуч келиши мумкин, чунки шу йил кузида ЕХХТнинг йиллик йиғини ўтказилмагунича мазкур ҳужжат имзоланишини четга суриб туришга тўғри келади. Бундан ташқари, гарчи мўлжалланган ворис Назарбоевнинг куёви Тимур Кулибоев бўлиб ҳисобланса-да, сулолавий бошқарув бўйича айбловларнинг олдини олиш учун президентлик лавозимини президент оиласи аъзоси бўлмаган киши эгаллаши ҳам мумкин.

Қозоғистон жамоатчилиги томонидан бу ғоя қандай қабул қилинишига келинса, Казначеев унинг аҳоли муносабатини ўрганиш учун бир муддат аввал эълон қилинганини билдирди.

“Танқидлар тўлкини бўлди, бироқ синов зўлдири жамият бунга индифферент кайфиятда ёки ҳазил аралаш муносабатда бўлишини кўрсатди, тажовузкорона муносабат кузатилгани йўқ”, – деди у.

Бироқ обдон ўйлаб пишитилган режалар ҳам баъзан кўнгилдагидек амалга ошавермайди. Сўралган таҳлилчиларнинг кўпи Бакиев ҳокимиятдан ағдарилганидан кейин ўз дахлсизлигидан маҳрум этилмиш Қирғизистондаги воқеалардан ҳамма олиши лозим бўлган сабоқ, агар янги режим ҳукмдорни ҳокимиятдан ағдарилганга қарор қилган бўлса, ҳеч қандай қонун уни ҳимоя қилолмаслигида акс этишини эътироф этдилар.

Казначеев фикрича, президент ва унинг оиласи учун ягона хавфсизлик кафолати фақат унинг ҳокимият тепасида туриши бўлиб ҳисобланади.

“Альтернатива” долзарб тадқиқотлар маркази директори Андрей Чеботарев: “Агар Қозоғистон ҳокимият алмашуви президентнинг қариндошлари истаганидек амалга ошмайдиган бўлса, ҳеч қандай қонун уларни қутқаролмайди. Ҳар қанақа қонунни, Қирғизистондаги воқеалар кўрсатганидек, парламент кўмагисиз ҳам бекор қилиб юбориш мумкин”, дея огоҳлантиради.



## ҚИРҒИЗИСТОН:

### Қирғизистон: собиқ кончиларнинг товон пули олишдан умиди тобора сўниб бормоқда

*Ишлаб чиқариш жараёнида ўн йилларча аввал ногирон бўлиб қолган кончилар ўзларига берилиши керак бўлган товон пулини тўла олишга улгурмай ўлиб кетмоқдалар.*

Мира Туураева – Боткен вилоятдан бўлган журналистнинг таҳаллуси.



Қирғизистон жанубий-ғарбида жойлашган асосий кўмир кони ёпилганидан ўн йил ўтиб, ногирон бўлиб қолган ёки соғлиғи билан муаммо бўлган 100 та собиқ кончи ўзларини унутилган, деб ҳис қилаётганини айтмоқдалар. Ўзларига берилиши керак бўлган товон пули учун олиб борилган узоқ йиллик курашдан сўнг улардан фақат ярми тирик қолди.

Боткен вилоятидаги Ленин комсомоли номидаги шахта 1995 йилда Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган яшовчан давлат корхоналарини қайта ташкил этиш ва хусусийлаштириш ҳамда ўзини қопламайдиган корхоналарни ёпиш бўйича PESAK дастури доирасида ёпилганди.

Мазкур жараёнга ўша пайтдаги бош вазир, корхоналар ёпилишидаги роли туфайли мамлакатнинг “асосий ликвидатор”и номини олган Апас Жумагулов раҳбарлик қилган.

Чуқурлиги 700 метр келадиган кон чуқурлик бўйича дунёда ягона эди. Совет даврида кон яқинидаги Қизилқия шаҳри кон саноати бўйича ишлаб чиқариш

юқори бўлгани учун “Марказий Осиё ўтхонаси” номи билан машҳур бўлиб кетганди.

Бироқ ишчиларнинг ўзлари уни “иккинчи фронт” деб атардилар, чунки бу ерда профессионал касалликларга чалиниш ва жароҳатлар олиш кўп бўларди.

Кон ёпилганидан кейин кон бошқармаси ўзининг барча мажбуриятлари бўйича, жумладан, Ижтимоий жамғарма тўловлари бўйича қарзларини тўла олиши учун давлатдан ўз активлари қийматига тенг бўлган капитализация суммасини олиши керак эди.

Маълум бўлишича, ўшанда нафақа, пособия ва соғлиққа етказилган зарар бўйича тўланадиган товон пули учун етарлича маблағ ажратилмаган. Қизилқия шаҳар Ижтимоий жамғармаси етакчи мутахассиси Турдуқан Сўлтўнова сўзларига кўра, корхоналар банкротлашуви ҳақидаги қонунчиликка мувофиқ, мазкур тўловлар биринчи навбатда амалга оширилиши лозим эди.

Сўлтўнова айтишича, ширкат 21 миллион сўмга (130 минг АҚШ долларидан кўпроқ) баҳоланган, бироқ ҳужжатлар бўйича кон бошқармасига фақат 4 миллион сўмгина келиб тушган. Бу маблағ нафақаларни тўлаш учун унинг маҳкамасига ўтказиб берилмай, балки суғурта бадалларини тўлаш учун ишлатилган.

Кон бошқармаси раҳбарияти товон пули талаб қилган кончиларга бу пул-

лар PESAK дастури маблағларидан тўланиши лозим эди, дея маълум қилган.

1996 йили товон пулининг бир қисми саломатчилиги туфайли нафақага чиққан кончиларга тўланган. Бироқ бу тўлов кон ишлаган сўнгги йил учунгина тўланган ҳамда минимал нафақа асосида ҳисобланган, ваҳоланки, қонун бўйича у ўртача ойлик маошдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилиши керак эди.

Кончилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ташаббус гуруҳи тузганларидан 11 йил ўтгач ҳамда Ижтимоий жамғарма муниципал бўлимига қарши судга шикоят аризаси ёзиб, 2006 йилда ишни ютқазганларидан кейин Қирғизистон ҳукумати ҳали ҳам нафақа миқдорига асосланган, бироқ ўтган давр



ичидаги инфляцияни ҳисобга олган ҳолда товон пулларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ҳозир 80 ёшга тўлган Мамат Тешебаев таркибига иш жараёнида ногирон бўлиб



қолган кончилар кирувчи “Регресс” жамоатчилик жамғармасига раҳбарлик қилади. Тешебаев товон пули миқдори нафақа даражасига боғлаб қўйилганидан ғазабда.

Бунинг устига, 1995 йилдан 2010 йилгача бўлган давр ичида аслида товон пули умумий суммасидан фақат ярмигина тўланган.

“Бизга бериладиган товон пули қарийб икки минг сўм (тақрибан 45 АҚШ доллари – тахр.) оладиган фаррошлар нафақасидан ҳам кам. Товон пули даволаниш учун бериладиган маблағлар билан биргаликда ўртача 800 сўмни ташкил қилади, - дейди Тешебаев. – Бизнинг орамизда ўрндан турмай ётадиган касаллар бор, ҳар ҳафта бизникилардан кимдир стационар тиббий ёрдам олади”.

“Регресс” жамғармаси аъзоси Бақит Жўрўев фикрича, катта ёшдаги “регрессчилар” умрлари охиригача ўзларига тегишли

бўлган тўловларни ола биладиларми-йўқми, ҳали номаълум. “Рўйхатимизнинг ярми қисқариб кетди. Бизга айрим хизматлар томонидан босим бўлаётди. Давлат аввал қонун ва низомномаларни чиқариб қўйиб, кейин ўзи уларга риоя қилмайди”, - дейди Жўрўев. Тешебаев, ўз навбатида, “регрессчилар” шаҳарта 100 киши қолганини қайд этади.

45 ёшли Жўрўев жамғарманинг энг ёш аъзоси бўлиб ҳисобланади. 120 килограммли босқон бошига тушган пайтда шифокорлар Бақитнинг тирик қолишига ишонмаганлар. Соғайганидан кейин у расман “ўлган” деган қайд билан архивга юборилган ҳужжатларини олиб кетиш учун касалхонага келишга мажбур бўлган.

Кончилар, гарчи уларнинг масаласи ҳозирча ҳал қилинмаётган бўлса-да, бошқа нафақалар тўхтатиб қўйилганидан норози бўлмоқдалар.

Январ ойида Қирғизистон ҳукумати электр, йўлкара бўйича ва бошқа имтиёзларни бекор қилди, бу эса ногирон кончилар каби кам таъминланган гуруҳларга қаттиқ таъсир қилди. Аввалроқ Боткен вилоят маҳаллий маъмурияти кончиларга кўмир сотиб олиш учун маблағ ажратиш турарди, аммо эндиликда бу ҳам йўқ. Ўтган йили улар одатда Ногиронлар куни ва Қариялар кунида бериладиган озиқ-овқатлар пакетини ҳам олмаганлар, бу йил эса уларни бу кунларда ҳатто биров расман табрикламаган ҳам.

“Бизнинг ҳеч кимга, мэрияга ҳам, бошқаларга ҳам керакмаслигимиз алам қилади, -дея нолийди собиқ кончи. – Бизларни ҳамма унутган”.

(Мазкур мақола Қирғизистоннинг амалдаги ҳукумати иқтидорга келгунга қадар олинган интервьюлар асосида тайёрланган.)

## Ўшдаги бошбошдоқлик

*IWPR муҳаррири Қирғизистон жанубидаги шаҳарда тўрт кун ҳукм сурган тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳақида ҳикоя қилади.*

Инга Сикорская, IWPR муҳаррири.

Пайшанбадан жумага ўтар кечаси [10-11 июнь] бизни тунги соат 1.30 да Ўш шаҳри марказий мавзесида юз берган даҳшатли отишма овозлари уйғотди. Биз воқеалар бошланган “Олой” ва “Кристалл” меҳмонхоналари яқинида турардик. Кўчадан қичқириқлар, отишма товушлари, ўт ўчирувчи машиналар шовқини эшитилиб турарди.

Шаҳарга эндигина келган пайтимизда, кўча ва бозорлардаги оддий одамлар бизга “нега келдиларинг, яқинда нимадир бошланади-ку” дейишганди.

Ўша тунда биз кўпчилик бизни огоҳлантирган нарса бошланганини тушундик.

Содир бўлаётган воқеалар кўлами ва қуроллар кўплиги бўйича бу апрел ойида Бишкекда содир бўлган воқеаларга [ўшанда қуролсиз кишиларнинг оммавий норозиликлари натижасида ҳоки-

мият алмашганди] ўхшамаслиги ўша пайтдаёқ аён бўлди. Бу мутлақо бошқа нарса – даҳшатли отишма ва кўнгилни орзиқтирувчи қичқириқлар эди.

Отишма тонггача давом этди. Биз ухломмадик, шунинг учун одамларга кўнғирок

қилиб, маълумот йиға бошладик. Отишма эса тинай демасди, аксинча, вақт ўтган сайин кучайиб борарди.

Биз яшаган уй чорраҳада бўлиб, содир бўлаётган воқеаларни кузатиш учун яхши кузатув пункти эди. Эртаси куни





ниқоб таққан одамлар пайдо бўлди, уларнинг баъзилари таёқ, баъзилари ўқотар қурол кўтариб олганди. Бу болалар юзини фақат кўзи кўринадиган қилиб тўсиб олган, айримларининг бошида ҳарбийчасига ўралган кичик рўмоллар бор эди. Уларнинг фақат кўзини ва қора ниқобини кўриш мумкин эди, холос.

Талончилик кейинроқ бошланди, аввал фақат отишма бўлди.

Жума куни тушга келиб [11 июнь] шаҳар ўт ичида қолди. Кул, чанг ва куйинди қолдиқлари балкониимизга келиб кўнарди.

Бу воқеалар ҳали бери тугамаслиги аниқ эди.

Шанба куни кечкурун ҳарбий амалиётлар бошланди ва оғир артиллерия ишга тушди. Уйимизнинг деворлари титрай бошлади. Сулаймон тоғи ўт ичида эди.

### **Бу воқеалар аввалдан режалаштирилганмиди?**

Кейинроқ биз шаҳар оралаб кетаётган пайтимизда у Иккинчи жаҳон уруши давридаги бомбардимондан чиққандай кўринарди, бинолар кули кўкка соғурилган ва вайронага айланганди. Агар бу ҳақиқатан ҳам туйқусдан содир бўлганда, уч кун ичида бунчалик вайронагарчиликлар бўлмасди, шунинг учун ҳам унинг аввалдан режалангани аниқ.

Одамлар содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларга тайёргарлик кўраётгандилар – буни ҳатто ҳаводаги биқикликдан ҳам ҳис этиш мумкин эди. Воқеалар бошланишидан бир кун аввал биз Жалолободга боргандик, йўлда ҳайдовчи ва бошқа одамлар билан гаплашгандик. Чор-атрофда умумий таранглик кайфияти ҳукмрон бўлиб, бу миллатлараро зиддиятни кутиш кайфияти эди.

Ҳайдовчиларимизнинг бири қирғиз бўлиб, бошқа сафар эса ўзбек ҳайдовчи машинасига чиқдик. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам шу ҳақда гапирардилар. Пайшанба куни Жалолободдан қайтиб келаётганимизда биз Ўш шаҳридаги марказий масжид олдида қирғиз ва ўзбек йигитлари ўртасида йирик муштлашув бўлиб ўтганини билдик. Бу муштлашувга ўзбек таксичи билан унинг қирғиз мижози ўртасидаги жанжал сабаб бўлганди.

Бундан сал аввалроқ қўшним бозорга борганида, унга озиқ-овқат ғамлаб олиш лозимлигини, чунки тез орада қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида уруш бошланажagini айтган эканлар.

Бундан келиб чиқадики, бу ҳақда ҳамма билган ва буни ҳамма кутган, бироқ, афтидан, буни ҳеч ким олдини ололмаган.

Ҳаракатлар жуда яхши уюштирилганди. Шаҳарнинг гоҳ у, гоҳ бу мавзеида яхши уюштирилган акциялар бўлиб турарди.

Улар ўзларининг қаерга кетаётганларини аниқ билардилар. Марказий кўчани кесиб ўтувчи Аравон кўчасининг тепа томонида, ўзбек маҳаллари жойлашган мавзеларга қуролли одамлар чиққан машиналар ўтиб турарди. Қуролли кишилар жойлашиб олган бу машиналар ўша ёққа кетиб, кейин ортга қайтардилар.

Кейин бир машина келиб, ундан кўчадаги қуролли кишилар гуруҳига сув ва нон тарқатиларди. Йўлга ўрнатилган қўлбола блокпостларга қандайдир пакетлар – балки қуролдир, балки шунчаки овқатдир – олиб келиб турардилар.

Ҳаммаси жуда яхши ташкил этилган, бу шундоқ кўриниб турарди.

### **Озиқ-овқат танқислиги ва электр ўчирилиши**

Ёнимиздаги ўт ўчирувчилар ўзларига бериладиган сув тўсиб қўйилаётганидан шикоят қилардилар. Эртаси куни биз яшаган марказий мавзеда бирданига электрни ҳам, газни ҳам ўчириб қўйишди. Воқеалар бошланган бутун мавзе – эпицентр дунёдан узилиб қолди.

Трансформаторлар ёнарди ва одамлар электр эҳтимолий портлашларнинг олдини олиш учун ўчирилганини айтардилар.

Одамлар электрсииз, газсииз ва озиқ-овқатсииз қолдилар. Ичимлик суви заҳарлангани тўғрисида миш-миш тарқади. Маъданли сув йўқ эди, одамлар кўчаларга осилган қозон ва сатилларда сув қайната бошладилар.

Бизнинг атрофимиздаги уйларда яшовчи одамлар учун энг даҳшатлиси ваҳима кайфияти эди. Одам орасида, масалан, озиқ-овқат заҳираси бўлмаган нафақахўрлар бор эди, бу одамлар эҳтимол оч қолишлари мумкинлигини тушундилар. Одамларнинг кўпи огоҳлантирилганди, бироқ содир бўлаётган воқеаларнинг кўлами жуда кенг эди.

Егулик йўқ эди, чунки йирик дўконларнинг ҳаммаси талаб кетилганди. Одамлар кўтариб кетиш мумкин бўлган ҳамма нарсани орқалаб келардилар. Биз бошқа шаҳардан келгандик ва қаерга боришни билмасдик. Балки маҳаллий аҳоли вакиллари нима қилишни билгандир.



Кўчага чиқишнинг имкони йўқ эди, чиққан тақдирингизда ҳам барча дўконлар ёпиқ эди. Озиқ-овқат йўқ эди, талончилар эса бир чеккада ўтириб олиб, сосиска кавшашарди.

Одамлар уйларида бўлган бор озуқани еб битирдилар. Учунчи куни уйимизда ҳеч нарса қолмади. Интернетнинг ўшдаги ваколатхонаси кичикроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатгани тўғрисида озоқ егуликка эга бўлдик.

### **Этник қарама-қаршилиқлар**

Агар шаҳар миллий мансубиятга қараб тақсимланса, шаҳар марказини кўпроқ қирғизлар яшайдиган мавзе, дейиш мумкин.



Гарчи бу миллатлараро зиддият дейилаётган бўлса-да, мен у ерда асосан қирғизларни кўрдим. Мен ҳовлида оёқ учида юриб кетаётган сумкали ўзбекларни ҳам кўрдим; улар яшириниб юришар ёки чиқиб кетишга ҳаракат қилишарди.

Айтишларича, бу миллий асосдаги зиддият бўлиб, тўқнашувнинг бевосита иштирокчилари бўлган йигитлар яқин атрофдаги қишлоқ жойлардан келган. Аммо улар ортида, табиийки, қандайдир кучлар бор.

Кўп йиллардан буён ёнма-ён яшаган оддий одамлар, қўшнилари бундан йироқ эдилар. Қирғиз мавзеларида қирғизлар, руслар ўзбекларни уйларида яшириб ўтирдилар.

Ўзбек маҳаллаларида бошқа миллат вакиллари жуда кам яшарди. Асосан ўзбеклар яшайдиган Черемушки мавзеида ҳамма уйлар ёқиб юборилган.

Қўлида қурол кўтариб юрган кишилар кимлар томонидандир ёлланган одамлар экани кўриниб турарди. Уларни бирор сабаб ҳаракатга келтирган, деб бўлмасди, бироқ, афти-

## Қирғизистондаги оломонга бас келолган қаҳрамонлар

*Қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида ўзаро ишончни тиклаш учун оддий халқ ичидан чиққан “тинчликпарварлар”нинг аралашуви зарур*

Инга Сикорская, IWPR муҳаррири.

Ўтган ҳафтада қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида содир бўлган қонли тўқнашув чоғида Қирғизистон жанубида тинчлик ўрнатишга ташқи кучларнинг аралашуви ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида кўпчилик гапира бошлади. Тартибсизликлар чоғида оила аъзоларини йўқотган кўлаб жабрланувчилар, агар ҳудудга тинчликпарвар кучлар киритилса, улар эҳтимолий зўравонликнинг олдини олишларига умид қилгандилар.

12 июнь куни ўтиш даври президенти Роза Ўтунбаева кўшин киритиш илтимоси билан Москвага мурожаат қилди, бироқ унга рад жавоби берилди ва мамлакатга тинчликпарвар кучлар юборилмади. Уч кундан кейин Москва томонидан бошқарилувчи ҳарбий-сиёсий блок – Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар Қирғизистон хавфсизлик кучларига моддий-техник қўллов кўрсатишга қарор қилдилар. Бу қарор мамлакатдаги аҳвол ўта мураккаблиги ва вазият бундан-да ёмонлашиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда қабул қилинди.

Бу қўллов яқин давр ичида нисбатан тинчликни таъминлашга ёрдам бериши мумкин. Бироқ, агар давомли муддат ҳақида гапириладиган бўлса, у ҳолда қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш зарур бўлади.

Бу жараён ҳар иккала жамоатдан бўлган янги лидерлар ва янги тузилмалар томонидан амалга оширилиши лозим. Маҳаллий

дан, улар бошқа миллатга қарши урушаётганларини аниқ билардилар.

Мен кўплар одамлардан иборат гуруҳларни, уларнинг ҳаммаси қуролланганини кўрдим. Ўшдан чиқиб кетаётган пайтимизда биз шаҳар оралаб ёлланган қуролли қўриқчилар кузатувида ҳаракатланишга мажбур бўлдик. У ерда қўриқчисиз юриб бўлмасди. Кўчадаги одамлар қўлида иккитадан Калашников автоматлари, қирқма милтиқлар бор эди. Биздан: “қурол керак эмасми?” деб сўрадилар ва сотиб олиш учун қурол таклиф қилардилар.

### Бирда қочиш

Мен соддадиллик билан тартибсизликлар Бишкекдаги каби икки кун давом этадию кейин тинчиб қолади, деб ўйлардим. Бироқ бундай бўлиб чиқмади.

Журналист бўлганим учун, ёнимда юқори лавозимли амалдорлар телефонлари бўлгани туфайли мен давлатнинг биринчи шахсларига кўнғироқ қилишимга тўғри келди. Менга Ўш шаҳар ИИБ бошлиғи Ўмурбек Суваналиев ёрдам берди; у журналистларни эвакуация қилишда фаоллик кўрсатди. Полициячи бизга қуролли соқчилар билан машина юборишга ваъда қилди. Бу машина бизни аввал ички ишлар бошқармасига олиб борди, кейин эса бизни бронетехникада аэропортга ташлаб келишди. Аэропортга олиб борадиган йўл ўзбек қишлоқларидан ўтгани, у ерда мунтазам ўқ отилиб тургани учун оддий транспортда у ердан оддий транспортда ўтиб кетиб бўлмасди.

Шу тариқа, бизни бронетранспортерда аэропортга олиб бордилар. У ерда биз самолётга чиқиш учун 10 соат кутишга мажбур бўлдик. Сал олдинроқ фуқаролар қуршовда қолган Ўшга инсонпарварлик ёрдами олиб келаётган самолётларда эвакуация қилиниши мумкинлиги ҳақида эълон қилгандилар. Шунинг учун ҳам имкони бўлган кишиларнинг ҳаммаси поё пиеда, дала оралаб ёки бошқа йўллар билан аэропорт томонга ошиқардилар.

ҳокимият бу вазифа адо этолмайди, чунки айрим жамоалар унга мутлақо ишонмайдилар. Бунинг учун Наримон қишлоғидаги қуролсиз кишилар орасига яраш таклифи билан музокарага келган Қорасув туман ички ишлар бўлими бошлиғи ва унинг ҳайдовчисини аёвсиз ўлдирилишини эслаш кифоя

Бунда азал-азалдан ўзаро жанжалларни ҳал қилиб келган оқсоқолларга ҳам катта умид боғлаб бўлмайди. Уларнинг обрўсига шак келтирмаган ҳолда бунақа мураккаб вазиятда воситачиликнинг бошқа шакли зарур бўлишини қайд этиш жоиз. Чунки асосан 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган, Ўш кўчаларида бошқариб бўлмайдиган ҳолатда юрган қуролли эркаклар тўдаси қарияларга қулоқ осмадилар.

“Биз ҳеч нарса қилолмаймиз, – дейди Ўшдаги Ўзбек миллий маркази президенти Жалолиддин Салоҳиддинов. – Улар бизга қулоқ солмаяптилар, биз ҳозир улар наздида мўътабар киши эмасмиз”.

Экспертларнинг бир қанчаси бунақа бўйсунмаслик Қирғизистоннинг бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ эркинлик ва демократияга эришишга муваффақ бўлгани ҳосиласи эканини таъкидлайдилар. Ёш авлод ёши катта одамлардан кўра бошқачароқ шароитда ўсиб-улғайди ва эндиликда улар мишмишлар ортидан кетароқ, насихатларга қулоқ осишга тайёр эмас.



Бошқа экспертлар сўзларига кўра эса, оломоннинг асосий қисми тарихий қадриятларга эътибор қилмайдиган норози люмпенлар оммасидан ташкил топгани учун оқсоқоллар бу тўдага ўз таъсирини ўтказмаганлар.

Шунга қарамай, бошбошдоқлик ҳукм сурган кунларда мен ўзим учун потенциал лидерлар турини ажратиб олдим – улар ўз жамоати ичида эътиборли ҳамда жамоатларни яраштириш учун етарлича жасоратга эга бўлган кишилар эди. Уларнинг кўпи – меҳнатсеварлиги ва мақсадга эришиш йўлидаги тиришқоқлиги учун ўз жамоати ўртасида ҳурматга сазовор кишилар, халқ билан битта поғонада туриб гаплашиши мумкин бўлган кишилар эди. Улар миллатлараро зиддиятлар чоғида юксак қадриятларни сақлаб қолиш ва оломонни ушлаб қолиш бўйича ўз хусусиятларини намоён қилдилар.

Шунақа донги чиқмаган қахрамонлардан бири Адил исмли ўрта ёшлардаги қирғиз кишидир. Чоғроқ бизнесга эга бўлган бу одам 20 йилдан буён Ўш шаҳридаги Черемушка мавзеида, ўзбек маҳалласида истиқомат қилиб келади. Ўз мавзеига қуролли кишилар келиб, ўзбекларнинг уйлари эжа бошлаган пайтда у уйдан чиқиб, қўлига тушган нарсалар билан қўшниларининг уйидаги ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилган.

Оломон орасига чиққан Адил одамларга бунинг хусусий мулк экани, хўжайинларининг миллатидан қатъий назар, уларга дахл қилиб бўлмаслигини ва бу уйлар ҳалол меҳнат эвазига барпо қилинганини тушунтира бошлаган. Ўт қўювчиларнинг айримлари ҳатто бу одамнинг айтганларига қулоқ тутишга ҳам уринганлар.

“Қўшниларим кўзига қарашим қийин бўлади менинг, ахир улар ҳаммамизнинг еримиз бўлган бу жойда яшаш ва ишлаш учун яна қайтадилар-ку”, – деганди ўшанда Адил.

Орадан икки кун ўтгач, Адил қўшни аёлни қисман вайрон қилинган уйига қайтишга кўндирган. Бу аёл ўзининг беш набира-

си билан қўшни кўчадаги уй ертўласида яшириниб ўтирганди.

“Мен бу талончилар томонидан содир этилган ишлар учун жавобгарликни ўз бўйнимга олдим ва агар улар яна қайтиб келсалар, уларни бу бемаъниликни бас қилишга кўндиришга ҳаракат қиламан”, – деди Адил.

Чоғроқ компьютер марказининг таланишига йўл қўймаган ўшлик ўрта ёшлардаги бир аёл ҳам ана шундай жасорат кўрсатди. Компьютер маркази марказий кўчада вайрон қилинган ва ёқиб юборилган бошқа дўкон ва кафелар ўртасида дахл қилинмасдан қолди.

Уч кун мобайнида у марказга ҳужум қилиб, уни хонавайрон қилмоқчи бўлган қуролланган одамлар билан узоқ музокаралар олиб борди. У билан мунозарарга киришганлар ўзларининг қашшоқ эканини, бошқалар эса яхши яшашини айтганлар. Шунга қарамай, аёл уларни ўз ниятидан қайтиб, марказни ўз ҳолига қўйишга кўндиришда давом этган.

“Улар мени ўз оналари тимсолида кўрганлари учун гапимга қулоқ солдилар”, – дейди у.



Қонли тўқнашувлар Ўшдан кейинроқ бошланган Жалолобод шаҳрида “халқ тинчликпарварлари” бошқа тактикани қўллаганлар. У ерда асосий ролни “Жалолободнинг лидер аёллари” ноҳукумат ассоциацияси ўйнаган.

“Биз ёшлар гуруҳини шаҳарга киритмай, тўхтатишга эришдик, – дейди иштирокчилардан бири Нургул Жўлўева. – Даставвал биз уларни ҳозир бу ерга қўшинлар келиб, уларнинг ҳаммасини отиб ташлашини айтиб тўхтатдик, нимагадир бу гапимиз таъсир қилди”.

Ёшлар оломони шаҳар яқинидаги отчопарда йиғила бошлаган пайтда фаол аёллар у ёққа йўл олиб, у ердаги “гапга кўнадиғанроқлар” билан гаплашганлар. Бу одамлар орқали аёллар бошқаларнинг уяли телефонлари рақамларини билиб олганлар ва шундан сўнг телефон орқали тушунтириш суҳбатларини олиб боришга уринганлар.

“Нима учун сиз қўлингизга қурол олиб бораёсиз?” – дея сўраган фаол аёллардан бири. “Чунки улар [ўзбеклар] ҳам келаяптилар”, – дея жавоб берганлар унга. У кишидан улар: “Ўша ўзбекларни ўзингиз кўрдингизми?” деб сўраганларида, у бу ҳақда фақат эшитганини айтган.

“Мен бу ерда ҳамма нарса фақат провокациялар асосида уюштирилаётганини тушундим. Биз уларга тўғри маълумот етказишга ва нима учун бундай қилиб бўлмаслигини тушунтиришга уриндик. Улар бизни аёл бўлганимиз ва ҳиссиётга у қадар берилмаганимиз учун эшитган бўлишлари мумкин”, – дейди Жўлўева.

Ҳозир маҳаллий лидерлар, қарама-қарши тарафлар гарчи ғазабда бўлса-да, ярашишга тайёр бўлиб қолгани ҳақида гапирмоқдалар. Шу тариқа, бундан буён мулоқот юритиш эҳтимоли бор ва бундай мулоқот зарурдир.

Жалолободдаги НХТнинг бошқа ходимаси сўзларига кўра, улар “97 фоизи ёқиб юборилган ва мажруҳ қилинган Ташбулоқ [Сузоқ туманидаги ўзбек

қишлоғи] раҳбари билан телефон орқали музокара" олиб бормоқдалар. У ердаги эл уйларни қайта тиклаш учун тайёрлана бошлаган.

Ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги муносабатнинг изга тушишига ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа бир гуруҳ бу аралаш никоҳдан туғилган кишилардир.

Ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги никоҳ кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, миллий ўтмиши умумий бўлган кишилар икки томоннинг ярашуви жараёнида воситачи бўлишлари мумкин эди.

Муҳтамал тинчликпарварларнинг кўпчилиги ўз хизматини таклиф қилишга тайёр. Бунда зиддиятнинг эҳтимолий

эскалациясига йўл қўймаслик учун уларнинг хатти-ҳаракатини мувофиқлаштириш зарур бўлади. Бунақа мувофиқлаштирилган дастурлар миллатлараро муроса учун пойдевор вазифасини ўташи ҳамда миллий муносабатлар жабҳасида давлат сиёсати модели ўлароқ қабул қилиниши мумкин.

## ТОЖИКИСТОН:



### Табиғи апаттан кейинги Тажикстан кѳмек сўрауда

*Тожикистон табиий офат ортидан ёрдам сўрамоқда. Турар-жойларини ўзгартиришга мажбур бўлган одамлар ўзларига ёрдам исталгани қадар тез келмаётганини айтмоқдалар.*

Билоли Шамс, IWPR тренингдан ўтган, Тожикистон жанубидан бўлган журналист.

Тожикистон ҳукумати мамлакат жанубида содир бўлган тошқин ва кўчклардан кейин фавқулодда молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро ҳамжамиятдан кўмак сўраётган бир пайтда табиий офатдан жабр кўрган кишилар ёрдам тартибсиз ва кеч етиб келаётгани ҳақида гапирмоқдалар.

Ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат агентликлари ва халқаро ташкилотлар бирлашмаси бўлмиш Фавқулодда вазиятларда

тезкор баҳолаш ва мувофиқлаштириш командаси 7 май куни Кўлоб шаҳри ва унинг четларида шаррос ёмғир туфайли Тебалай дарёси ўзани бўйлаб ҳосил бўлган сел ва тошқин туфайли 16 киши ҳалок бўлгани ҳақида эълон қилди.

10 май куни Тезкор баҳолаш ва мувофиқлаштириш командасининг вазият ҳақидаги ҳисоботида келтирилган маълумотларда кўплаб ўлим ҳолатлари қайд этилган. Бу Кўлоб мэри маъмурияти ваки-

ли Сухробшоҳи Фаррухшоҳ келтирган 13 ўлим ҳолатидан ортиқроқдир.

Кўлобдаги фавқулодда ҳаракат маркази 600 та уй тула вайрон бўлгани ҳақида маълум қилди. Бошқа маълумотларга кўра эса бундан ҳам кўпроқ уй вайрон бўлган ва Кўлобга яқин қишлоқларда яшаган минглаб одамлар кўчки остида қолмиш чорвасию ҳосилидан айрилган.

Тожикистоннинг БМТдаги доимий вакили Сироҷиддин Аслов мамлакатга ёрдам

кўрсатиш ҳақидаги расмий илтимоснома ни мамлакат ҳукумати 5,3 миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатишни сўраб, мувожаатнома тарқатганидан икки кун ўтгач – 14 май куни юборган.

Тезкор баҳолаш ва мувофиқлаштириш командаси тошқин ҳақида 19 май куни тарқатган маълумотида ҳодиса содир бўлганидан кейин ўтган бир ҳафта ичида Кўлобда барпо қилинган икки чодирли шаҳарча ҳамда у ерда жойлашишга мажбур бўлган кишилар учун зарур буюмлар қандай тарқатилаётгани ҳақида хабар қилади.

Бироқ табиий офатдан жабр кўрган кишилар инсонпарварлик ёрдамларини тарқатиш кечиктирилаётганидан шикоят қилмоқдалар. Улар IWPRга ёрдам тарқатиш тегишли тартибда мувофиқлаштирилмаганини айтмоқдалар.

Бозоргул Қурбоновнинг беш боласидан учтаси – етти ва беш ёшли ўғил болалар ҳамда етти ойлик чақалоқ сел тошқини чоғида нобуд бўлган.

Энди, дейди у, “бизда озиқ-овқат ва чодир тақсимлашда тартибсизлик муаммоси юзага келди. Энг кўп жабр кўрган оилалардан айримларининг ҳозир чодирли йўқ ва ҳатто шу кунгача ҳам айримларга икки-уч ёстиқ ва адёлдан бошқа ҳеч нарса – ун ҳам, озиқ-овқат ҳам берилгани йўқ”.

Тожикистоннинг бу қисмида битта ҳовлида истиқомат қиладиган кўп оилаларда 30 тагача киши яшайди. Аммо уларга бор-йўғи 10 кишига мўлжалланган биттадан чодир берилган, холос.

“Палатка беришни ваъда қилишяпти. Биз кутаяпмиз; кўриб турганингиздек, ёмғир ёғиб ётибди. Икки болам иситма-лаб ётибди, ҳарорати ҳеч пасаймаяпти”, – деди у.

Табиий офатнинг биринчи кунларида жабр кўрган вилоятга борган журналист Ражаби Мирзо ёрдам тақсимоти жуда имиллаб бораётганини тасдиқлайди.

“Айтишларича, жабрланганларнинг рўйхати ҳали тайёр эмасмиш. Аммо бунга одамлар айбдор эмас. Улар айнан ҳозир ёрдамга муҳтож бўлиб турибди”, – дейди у.

Уйи бутунлай вайрон бўлган 80 ёшли Ҳалил Насруллоев ҳанузгача ёрдам ололмаганини айтади.

“Бизнинг олдимизга фақат бир мартагина комиссия келди, бироқ икки адёлдан бошқа бизга ҳеч қанақа ёрдам берилма-

ди. Ҳар куни ёрдам олиб келаяптилар, озиқ-овқат, ун тарқатаптилар, бизга эса бермаяптилар”, – дейди у.

Насруллоев унга ўзи яшаётган жойгача бўлган йўл ҳали тикланмаганини тушунтиришганини айтади.

Мэр маъмурияти вакили Сухробшоҳи Фаррухшоҳ йўл бузилгани учун ёрдам тақсимотида айрим муаммолар бўлганини инкор қилмайди. Бироқ унинг IWPRга айтишича, “13 майдан биз чодирлар ва бошқа ёрдам турлари жабрланувчиларнинг ҳаммасига етказилиши учун кўрсатилаётган ёрдамни тартибга сола бошладик”.

Айрим кишилар, агар одамлар аввалроқ огоҳлантирилганида, қурбонлар бўлмаслиги мумкин эди, демоқдалар. Бу ердаги аёллардан бирининг фикрича, Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг Кўлобдаги ваколатхонаси вакиллари вазият нақадар жиддийлигини баҳолаш учун сел тошқинига биринчи бўлиб дуч келган қўшни Шўробод ва Мўминобод туманларидаги ҳамкасблари билан боғланишлари лозим эди.

Хатлон вилоятининг фавқуллода вазиятлар юзасидан чора кўриш бўйича давлат агентлиги раҳбари Абдусаттор Хушвахтов маҳаллий бўлимлар етарли ходимларга ва зарур жиҳозларга эга бўлмагани туфайли табиий офат яқинлашиб келаётгани ҳақида олдиндан огоҳлантириш имкони бўлмаганини айтди.

“Фавқуллода вазиятлар бўйича миллий кўмита ҳалигача ходимларимиз учун телефон ва рақиялар харид қилиб бергани йўқ, – деди Хушвахтов. – Бу бизнинг Мўминобод ва Шўрободдаги ходимлари-



(Суратда: Кўлобдаги тошқиндан жабр кўрганлар учун барпо этилган чодирли шаҳар (“АП” фотоси)

миз ўзларининг Кўлобдаги ҳамкасбларига кўнғироқ қилолмаганига ва уларни янгиликлардан бохабар қилолмаганига асосий сабабдир”.

Бошқалар эса “бу офат муқаррар эди, чунки Тебалай дарёси ўзани, айниқса унинг Кўлобдан ўтган қисми кўп йиллардан бери тозаланмаган эди”, деган фикрдалар.

Ўзини Саъдулло деб таништирган оқсоқол Тожикистон мустақилликка эришган 1991 йилдан буён ўзани аввалги селлардан қолган гил ва ахлатдан тозалаш бўйича ҳеч қандай иш қилинмаганини айтиди.

Мелиорация вазирлиги ирригация тизimini тиклаш маркази директори Раҳматулло Каримов Кўлоб ичидан канал шаклида оқадиган дарё ўз вақтида тозаланмаганини тан олади, бироқ бунга маблағ танқислиги сабаб бўлганини таъкидлайди.

“Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин қарий 19 йилдан буён маблағ ажратилаётгани йўқ, – дейди у. – Агар ўтган вақт ичида [Тебалай дарёси] ўзани ҳеч бўлмаганда бир марта тозаланганида, шаҳарни бу кўчалари аҳолиси бу қадар катта талафот кўрмаган бўларди. Бошқа бир сабаб замонавий техниканинг йўқлигидир. Техника бор, аммо улар сони жуда оз ва уларнинг ҳаммаси Иттифоқ давридан қолган бўлиб, ишга яроқли эмас”.

Хусусий қурилиш ширкати раҳбари Сафармад Валиев канални тозалаш ишлари ўз вақтида бажарилмагани ҳақидаги фикрга қўшилади. Бироқ у, ҳатто тозалаш ишлари ўз вақтида ўтказилган тақдирда ҳам, бу табиий офат туфайли юзага келган вайронагарчиликлар кўламини қисқартиролмаган бўларди, дея таъкидлайди.



Шаҳар ичидан оқиб ўтувчи Тебалай ҳозирги ҳолатда катта сув оқимини сиғдириш учун торлик қилади, шунинг учун уни кенгайтириш керак, деди у.

## Тожикистонда уяли телефонлардан фойдаланиш атрофидаги баҳслар

*Ҳамма жойда ишлатилаётган уяли алоқага президент нима учун қарши чиқди?*

Жаҳонгир Бобоев – тожикистонлик журналистнинг таҳаллуси.

Қашшоқлик даражасининг юқори бўлишига қарамай, Тожикистонда сўнгги йилларда уяли телефонлар жуда кўпайиб кетди. Провайдерлар ўртасидаги рақобат натижасида алоқа кескин арзонлади; бундан ташқари, уяли алоқа одатдаги телефон алоқаси билан боғлиқ мураккабликлар қутулиш имкони беради.

Шу ваздан мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг шу йил апрел ойи охирида уяли телефонлар соғлиққа зарар етказиши ва улардан керагидан ортиқча фойдаланишни чеклаш лозимлигига оид баёноти қутулмаган бўлди.

30 апрель куни вазирлар маҳкамаси мажлисида президент Соғлиқни сақлаш вазирлигига жамоатчиликни – айниқса ёшларни – уяли телефонларнинг саломатчилик учун етказадиган зиёни ҳақида хабардор қилиш бўйича кўрсатма берди.

Бир ҳафта муқаддам президент мобил телефонлар ишлатишнинг бошқа бир салбий жиҳатини қайд этганди. Унинг сўзларига кўра, Тожикистонда миллиондан зиёд уяли телефон эгаси бўлиб, уларнинг ҳар бири ойига кўнғироқлар учун 50-600 сомонидан (11 доллардан 135 долларгача) сарфлайди. Бу миқдорда пул сарфлаш, деди у, “ҳар бир тожик оиласи моддий базасига зарар етказди”.

Президент шарҳидан кейин давлат телевидениесида мобил телефонлардан керагидан ортиқча фойдаланишнинг оқибатлари ҳақида қатор дастурлар тайёрланди.

Кейинги қадам уяли алоқа ширкатларининг кўча рекламаларига чеклов киритган Душанбе ва бошқа шаҳарлар расмийлари томонидан кўйилди. Шундан сўнг бир неча кун мобайнида кўчалардан реклама тахталари олиб ташланди.

Бу ҳаракатлар уяли алоқа ва маркетинг ширкатларининг даҳшатга солгани йўқ.

Иқтисодчи Ҳожимуҳаммад Умаров расмийлар таъқиқини “бемаъни” ва ноқонуний, деб ҳисоблайди. “Бу бозор иқтисодиёти қонунларига зид келади, бунда унинг асосий тамойили – эркин рақобат тамойили бузилади”, – деди у.

“Уяли алоқа ширкатлари рекламасининг маън қилиниши ҳақидаги хабар бизни ҳайратда қолдирди, – деди Осие Тараққиёт Банкининг Тожикистондаги доимий ваколатхонаси иқтисодчиси Қаҳҳор Аминов. – Бу қарор халқаро меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойилларининг барчасига зид келади”.

Коммунистик партия лидери ва парламент аъзоси Шоди Шабдолов президент ҳеч қанақа таъқиққа чорламагани, у фақат уяли телефонлардан фойдаланишни меъёрга солиш ҳақида гапирганини таъкидлади.

“Агар ширкат ўз рекламасини қонуний асосда амалга ошираётган бўлса, уни маън қилишга ёки чеклашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ”, – дея қўшимча қилди у.

Тожикистондаги уяли телефонларнинг либерал бозорида ҳозирда олти провайдер бўлиб, уларнинг кўпи хорижий сармоляр қўлловига асосланган ҳолда ишлайди. Улардан иккитасида Россия уяли алоқа ширкатлари акцияларнинг катта қисмига, биттасида эса хитойликлар назорат пакетига эгалик қилади.



Рақобат алоқа учун белгиланган нархларнинг пасайишига олиб келди ва техник тараққиёт учун йўл очди – Тожикистон Марказий Осие давлатлари ичида биринчи бўлиб 3G форматидаги хизматларини жорий қилди.

Реклама учун таъқиқ, агар у расман жорий қилинган тақдирда, уяли алоқа ширкатларига бўлгани каби маркетинг компанияларига ҳам анча ёмон таъсир қилади.

“Бу ширкатлар рекламасининг улуши нашримиз бюджетига ўрни катта, – деди “Азия плюс” ҳафталиги муҳаррири Марат Мамадшоев. – Ва биз бу рекламадан воз кечмоқчи эмасмиз. Биз, йўқ деганда, бу рекламаларни чоп этишни маън қилувчи суд қарори чиққунча, уларни чоп қилаверамиз”.

Уяли телефонлардан фойдаланишни қисқартиришга расмийлар биринчи марта уринаётганлари йўқ. 2008 йилда мамлакат парламенти президент Имомали Раҳмон тавсияси билан ўқувчилар ва талабаларга дарс чоғида уяли телефон олиб юришни маън қилувчи қарор чиқарган.

Муҳолифатдаги сиёсатчи ва ҳуқуқшунос Шокиржон Ҳакимов ҳукуматда жамоатчиликнинг эркин алоқа воситаларидан фойдаланишини чеклаш бўйича махфий режа бор, дея гумон қилади.

“Расмийлар бу жабҳа [уяли алоқа] ривожланишидан хавфсирашлари сир эмас, – деди у. – Бунинг учун бутун дунё уяли алоқа ва мобил телефонлар орқали хабардор бўлган Қирғизистондаги [2010 йил апрелидаги норозиликлар] ёки Эрондаги [2009 йилдаги норозиликлар] воқеаларни эслаш кифоя”.

Бошқа сўралганларга келсак, улар бу каби буйруқлар шахсий ҳаётга ноқонуний равишда аралашиб бўлиб ҳисобланади, деган фикрдалар. Бунақа буйруқлар тўй ёки дафн маросимларини ўтказишда ҳаддан зиёд сарф-харажат қилишни таъқиқлаш ҳамда ўқитувчиларга тилла тиш қўйдиришни маън қилиш ҳақидаги қарорларга ўхшашдир.

“Афсуски, кейинги йиллардаги тажриба президент бирор масала юзасидан танқидий фикр билдирса, парламент ёки тегишли муассасалар дарров қонунларга ўзгартириш киритиш йўли билан ёки бошқа қонуний ҳужжатлар орқали фуқароларнинг мамлакат Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга ҳаракат қилишларини кўрсатмоқда, – деди мамлакат шимолидаги Хўжанд шаҳридан бўлган ҳуқуқ фаоли Файзиниссо Воҳидова. – Тожикистонда, эски маталда айтилганидек, салла деса, калла олиб келинади. Президент бор-йўги уяли телефонлардан ўз меъёрида фойдаланиш ҳақида айтиши билан расмийлар дарров таъқиқ жорий қилиши ҳам шунга ўхшайди”.



## ТУРКМАНИСТОН:



### Туркменистон: маҳаллий ҳокимият ваколатлари оптималлаштирилди

*Маҳаллий мулозимлар ўз мустақиллигини кўрсатиш учун жасоратлироқ бўлишлари лозим бўлади.*

Май ойи сўнгида Туркменистон оммавий ахборот воситаларида жойлардаги раҳбарлар ваколатларини кенгайтирган “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида”ги қонун эълон қилинди.

Эндиликда президент томонидан тайинланадиган ва ишдан бўшатиладиган вилоят, этрап (туман) ва шаҳар ҳокимлари “ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ҳамда тегишли ҳудуд бюджетини ишлаб чиқиш ва вазирлар маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этиш, уларнинг муҳокамасида иштирок этиш” ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу пайтгача бу каби дастурлар фақат марказий ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилиб, ижро учун қуйига тақдим этилди.

Бундан ташқари, маҳаллий депутатлар ичидан сайланган арччилар, шаҳар ва қишлоқ ҳукуматлари раҳбарларини ўзига бўйсундирган ҳокимларнинг назорат қилиш функцияларини бекор қилиш орқали маҳаллий ҳокимият вертикали кучсизлантирилди. Янги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, ҳокимларнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари салоҳиятига кирувчи масалаларга аралашувига “йўл қўйилмайди”.

Давлат бошқарувидаги ислохотни президент Қурбонқули Бердимухаммедов 2007 йил кузида бошлаганди: ўшанда у ўзининг авторитар салафи томонидан ташкил этилган Халқ Маслаҳатини (бу орган конституциядан ҳам юқори турарди) ҳокимиятнинг барча бутқоқлари фаолиятини мувозанатга келтириш учун тарқатиб юборди; бозор иқтисодиёти, таҳлил ва стра-

тегик режалаштиришга алоҳида урғу бера бошлади. Туркменистон раҳбари давлат хизмати обрўси ҳақида қайғуриб, мулозимларнинг касбий даражасини яхшилашга чақирди ва бунинг учун ҳатто махсус Академия ташкил этилди.

Бироқ танқидчилар ислохотлар сезиларли натижалар бермагани ва янги қонуннинг қабул қилинишини вазиятни унча яхшилаётгани олмаслигини айтиб, Бердимухаммедовга таъна қилишда давом этмоқдалар.

Биринчидан, демокда улар, бошқарувнинг маъмурий-буйруқозлик усули сақланиб қолмоқда, мулозимлар қарор қабул қилишда мустақил эмаслар ва барча тузилмалар амалда авалги бўлгани каби президентга бўйсунди.

Иккинчидан, бошқарувчиларнинг тайёргарлик даражаси паст бўлгани учун кадрларни тез-тез алмаштириб туриш амалиёти сақланиб қолмоқда.

“Бошқарувчи кадрларнинг кўпи бошқарувнинг қатъий марказлашган тизими шароитида ишлашга ўрганиб қолганлар, улар юқори буйруғи асосида ишлашга мойиллар ва уларнинг янги метод ва шаклларни ўзлаштиришлари қийин бўлади”, - дея қайд этади Туркменистон ҳукуматида узоқ йиллар ишлаган News Briefing Central Asia иқтисодий таҳлилчиси.

NBCA экспертлари президентнинг кадрлар алмаштириш ҳақида 2010 йил январь ойида “Нейтральный Туркменистан” газетасида чоп этилган фармонларини анализ қилиб чиқдилар ва улардан ўн бештаси “ишда йўл қўйилган камчиликлар учун” ҳокимлар ва уларнинг уринбосарларини лавозимдан озод қилиш масалаларига оид бўлганини қайд этдилар.

Мамлакат шимолидан бўлган шарҳловчи сўзларига кўра, бу бошқарув тузилмасига кадрларни нотўғри танлаш натижаси ҳам бўлиб ҳисобланади.

“Бу одамлар хайрихоҳликнинг, зотдорликнинг кўп босқичли назорати билан ўтган кишилардир, - дейди мулозимлар танлаш тамойили билан таниш бўлган NBCA суҳбатдоши. - Ниёзов даврида [изоҳ – Туркменистоннинг собиқ президенти, 2006 йилда вафот этган] ҳар қанақа номзод ўз аждодлари ҳақида етти пуштигача маълумот тақдим этишга мажбур эди. Бердимухаммедов даврида текширувнинг бу тизим сақлаб қолинди, фақат ҳозир аждодларнинг уч авлоди ҳамда яқин қариндошлар ҳақида барча маълумот тақдим этилиши сўралапти, холос”.

Зоти тоза бўлган мулозимлар бу уруғида судланганлар, муҳолифатчилар, мустақил журналистлар ва расмийлар томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳақида очиқ гапирадиган кишилар бўлмаган кишилардир, дея изоҳ беради у.

## Туркменистондаги хўжакўрсин энтузиазм

*Жарангдор олқишловлар ортида ижтимоий-сиёсий тадбирларда иштирок этишу ҳукумат мулозимларига чапак чалишга мажбур қилинаётган туркман фуқароларининг гизли норозилиги яшириниб ётибди.*

IWPR штати – Марказий Осиё

Туркменистон фуқаролари сўзларига кўра, улар расмийларнинг ижтимоий бирдамлик ва иқтидордаги режимга ўз садоқатини намойиш қилишга мажбурлашдан чарчаганлар.

Қанақадир миллий байрам муносабати билан, чет эллик юқори лавозимли меҳмонлар ташрифи чоғида ёки президент Қурбонқули Бердимухаммедовнинг мамлакат бўйлаб иш сафа-

Мабодо бунақа одам бошқарув муҳитида қандайдир лавозимни эгаллаб қолган тақдирда ҳам, у қандайдир ташаббуслар билан чиқиш ҳақида ҳатто ўйламайди.

“Маҳаллий ижроия ҳокимияти вакиллари ташаббуссиз инсонлардир, - дейди суҳбатдошимиз, - уларда ҳатто қанақадир ғоялар туғилиб қолган тақдирда ҳам, улар буни ошкор қилишдан чўчийдилар. Чунки бунақа ташаббус билан лавозимдан айрилиб қолиш ҳам мумкин”.

Бироқ бир туман ҳокими бир неча ой аввал ўз худудининг келажакдаги тараққиёти бўйича лойиҳа тайёрлагани ва уни юқоридаги раҳбарларга тақдим этишга жазм қилгани билан боғлиқ бир воқеа маълум. Мазкур лойиҳада тумандаги ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, канализация қуриш кабилар акс этганди.

“Таклифимга узоқ вақт жавоб бўлмади, - деб эслайди у NBCA билан суҳбат чоғида. - Бир неча кунлик меҳнатим маҳсули тақдири билан қизиққанамда эса менга: “Жим ўтир, ё сен ҳаммадан ақллимисан? Сизнинг этрапингиз муаммоларини қандай ва қачон ҳал қилиш кераклигини ўзимиз биламиз”, дейишди”.

Мазкур мақола учун сўров ўтказган мустақил журналист маҳаллий мулозимлар, ҳатто ўзларига қонун бўйича шунақа ҳуқуқ берилган бўлса-да, ҳали муайян ташаббус билан чиқишга ҳамда ўз худуди муаммоларини ҳал қилишда масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини қайд этди.

“Улар “юқоридан келган ҳар қандай буйруққа лаббай дея жавоб бериш керак, аммо ўзимдан ҳеч нарса қўшмаслигим, ўзбошимчалик қилмаслигим керак” деган принцип асосида иш кўрмоқдалар”, - дейди у.

Мамлакат шимолидаги Дашоғуздан бўлган медиашарҳловчининг қайд этишича, ваколатларни марказдан чекка жойларга ўтказиб бериш бўйича ожиз уринишлар ҳокимият вертикалининг “қўпол юзи”га ва ҳақиқий либераллашувни истамасликка урилиб, чилпарчин бўлади.

Масалан, “Генгеш тўғрисида”ги амалдаги қонунга кўра, халқ сайлаган маҳаллий депутатлар ичидан сайланадиган шаҳар ва қишлоқ ҳукуматлари етакчилари вилоятдаги раҳбарлар ва президент олдида жавобгарлар.

“Маҳаллий ҳокимият юқорида турувчи турган орган хоҳишининг кўр-кўрона ижрочисидир, йўналишдан салгина чалғиб кетиш қаттиқ жазоланади, - дейди шарҳловчи. - Бошқа ҳолатда эса жазо омма кўзи олдида амалга оширилади ва айбдорни телевизорда кўрсатиб, Вазирлар маҳкамаси ёки Хавфсизлик кенгаши мажлиси ўтаётган залдан намойишкорона ҳайдаб юборадилар”.

ри чоғида оломонни тўплаш зарур бўлиб қолган исталган пайтда расмийлар “қўнгилилар”ни тадбирга ҳайдашни бошлайдилар.

Кўча тозалаш ёки кўчат ўтказиш ёки мамлакат учун жуда муҳим бўлган пахта етиштириш (яғана ёки терим) каби жамоатчилик ишларини амалга ошириш учун қўшимча

иш кучи зарур бўлиб қолган пайтда ҳам худди шундай бўлади.

Бунга бир мисол ўлароқ Бердимухаммедовнинг май ойи ўртасида Дашоғуз вилоятига қилган сафарини келтириш мумкин.

Ўшанда маҳаллий аҳолига бир неча минг кишидан иборат олқишловчи оломон ташкил этиш бўйича кўрсатма берилган. Президентнинг самолёти эрталабки соат 9 да ерга қўнгунича ҳамма нарса тахт бўлиши учун одамлар тонг отмай ўринларидан туришга мажбур бўлганлар.

“Болалар ва бошқа кутиб олувчилар йўлда сахарги соат 4 дан бошлаб уни кута бошладилар, – деди бу тадбирга ўқувчиларни йиғиш учун туни билан юриб чиққан маҳаллий мактаб ўқитувчиларидан бири. – Бу тариқа маънавий ва жисмоний кучимизни, вақтимизни сарфлаш ўзини мутлақо оқламайди”.

Бу, хайтовур, ёзда содир бўлганди, февраль ойида эса одамлар янги тўқувчилик фабрикасини очиш учун келадиған Бердимухаммедовни 20 даражали совуқда кутишга мажбур бўлгандилар.



“Хукумат машинаси ниҳоят кўчада кўринган пайтда қарийб қотиб қолган одамлар қувонч изҳорию олқишлар ўрнига президентни тилга олиб бўлмайдиган сўкинишлар билан кутиб олишга тайёр бўлиб қолганди”, – дея эслайди “тантанали” маросимда иштирок этишга мажбур қилинган давлат хизматчиси.

2007 йилда ўз салафи Сапармурод Ниёзов вафотидан кейин ҳокимият тепасига келган Бердимухаммедов бир қанча ислохотлар ўтказишини эълон қилди. У аввалги режим пайтида таълим ва соғлиқни сақлаш жабҳаларида амалда бўлган айрим энг ёмон қонунларни бекор қилди, бироқ янги раҳбар барибир либерал сиёсий ап ижтимоий иқлим яратиш учун оз иш қилди.

Одамларнинг фаоллиги ва ҳукмрон режим томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатини қўллашини намойиш этиш учун кўплаб одамлар йиғиш анъанаси Ниёзов давридани қолган. Бу ерда мафкуравий хоссадан ташқари иқтисодий хосса ҳам бор.

Кўча тозалаш ёки пахта етиштиришда жамоатчилик меҳнатидан фойдаланиш ҳукуматга мазкур ишни бажарувчи шахслар учун ойлик қилиб берилиши мумкин бўлган талайгина маблағни иқтисод қилиб қолишга имкон беради.

Бундан ташқари, мамлакатда одамлар қатнашиши керак бўлган Сув ва ҳосил куни, Туркман қовуни куни, Туркман гилами куни каби кўплаб байрамлар бор.

“Ҳар куни биз учун бир нарса топиб турадилар, – дейди Ашхободдаги тил ўргатувчи олийгоҳ талабаси. – Гоҳ Саломатлик сўқмоғига оммавий равишда бориш учун спорт формасида бориш керак, гоҳ президент иштирокида қандайдир объектни тантанали равишда очиш чоғида у ерда “тирик йўлак” барпо қилиш учун чиройли миллий кийимларда келиш лозимлигини айтишади.”

Бу жамоатчилик тадбирлари туфайли талабаларда ўқиш учун вақт жуда кам қолаяпти, дея қўшимча қилади толиба.

Бунақа тадбирларда иштирок этишдан бош тортиш, айниқса қийин шароитда иш ўрнини йўқотиб қўйишдан чўчидиган бюджет соҳаси ходимлари учун ақлга сиғадиған иш эмас.

Бундай тадбирларга қатнашишга нисбатан ўз норозилиги изҳор қилишга ботинган ҳар қандай одамнинг аҳволи танглашиб қолиш аҳтимоли бор, чунки махсус хизматлар уни сўроққа чақириши ёки ишончли бўлмаган шахслар “қора рўйхат”ига қўшиб қўйишлари мумкин, бу эса у учун мамлакатдан чиқиб кетиш ёки иш қидириш жараёнида қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Шунинг учун ҳам одамларнинг бўйсунушдан бошқа чоралари йўқ. Давлат ва тиббиёт муассасалари, университетлар ва кутубхоналар раҳбарлари сўзларига кўра, улар ўз ходимларини бевосита уларнинг фаолиятига алоқадор бўлмаган тадбирларга юборишга мажбур бўлганлари туфайли кўпинча машғулотларни ёки иш кунини бекор қилишга тўғри келади.

Ашхободлик кутубхоначи бу мажбурий тадбирлар ва ҳақ тўланмайдиган жамоатчилик ишларининг ҳаммаси ҳам шахсий, ҳам иш вақтини совуриб ташлаётганидан шикоят қилди. Яқинда

у ва унинг ҳамкасблари кутубхонани ёпиб, кўчат ўтқазгани кетишга мажбур бўлганлар.

Бюджет жабҳасининг бошқа ходимлари эса, дейлик, кейинчалик ўзлари ўтқазадиган дарахт кўчатлари учун пул йиғиб беришга мажбур бўлаётганларидан ачиқланмоқдалар.

“Бошқа тадбирлар каби пул йиғиш амалиётининг ҳам кети кўринмайди. Қачонгача чидаш мумкин ахир бунга?” – дея савол ташлайди педагогика олийгоҳи ўқитувчиси.

Айни пайтда Болгарияда яшаётган Туркменистон инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки жамғармаси раҳбари Тожигул Бегмедова сўзларига кўра, расмийларни бу ишларни бас қилиб, бу бош қотиришга мажбур қилиши мумкин бўлган ягона йўл одамларнинг бўйсунушидан бош тортишлари ёки уларнинг бундай мажбурий усуллар ноқонунийлигини қонун доирасида талаб қилиши бўлиши мумкин. Бироқ бу йўлларнинг биронтаси ҳам осон бўлмайди.

*(Сўралганлардан айримларининг исмлари хавфсизлик нуқтаи назаридан тушириб қолдирилди)*

## ЎЗБЕКИСТОН:



### Ўзбекистон: ЕХХТ раиси бўлган мамлакат ҳуқуқ фаоллари чақириғига қулоқ тутадими?

*Ҳуқуқ ҳимоячилари Қозоғистон расмийларини қочқинларга нисбатан эътиборлироқ бўлишга ва уларнинг бошпана бериш ҳақидаги илтимосномаларини ҳуқуқий ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан кўриб чиқишга даъват қилмоқдалар.*

21 июнь куни Қозоғистон ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўзбекистонлик яна бир бошпана сўровчи қўлга олингани ҳақида маълум бўлди. БМТ қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси томонидан бошпана изловчи шахс сертификати берилган қашқадарёлик ёш йигит куч ишлатар тизим ходимлари тавсияси билан Олмаота миграцион хизматига юборилган ва ўша ерда у ҳибсга олиниб, шаҳар Ички ишлар департаменти тергов изоляторига етказилган.

Аввалроқ Қозоғистон Бош прокуратураси бошпана излаб келган йигирма тўққиз

чет элликнинг ҳибсга олингани ҳақида маълум қилганди. Айтишилича, бу одамлар террорчилик, экстремизм ва бошқа жиноятларда айбланиб, Ўзбекистон расмийлари томонидан қидирилмоқда.

“Ички ишлар ва миллий хавфсизлик идорларининг 9 июндан 11 июнгача бўлиб ўтган қўшма тезкор-қидирув тадбирлари чоғида йигирма тўққизта чет эл фуқароси ушланди, қўлга олинганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон фуқароларидир. Уларнинг ҳаммаси нисбатан Ўзбекистон ҳудудида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун давлатлараро қидирувга берилган”, - дейилади проку-

ратура томонидан тарқатилган матбуот варақчасида. <http://www.procuror.kz/rus/novosti/?cid=0&rid=1523>

Суд қўлга олинган хорижликларга нисбатан экстрадицион ҳибсга олиш қўлланиши тўғрисида қарор чиқарди. Йигирма тўққиз қочқиннинг ҳаммаси бу мақола ёзилаётган пайтда Олмаота полицияси тергов ҳибсхонасида уларнинг экстрадицияси ҳақида қарор чиқариши лозим бўлган бошқа бир судни кутиб ўтирибдилар.

News Briefing Central Asia билан суҳбат чоғида Қозоғистондан ёрдам сўраб келган ва бу мамлакат ҳудудида учинчи мамлакатдан уларга гуманитар мақом берилишини кутмоқчи бўлган ўзбекистонликлар бу ерда ёвузлик ва бошбошдоқликка дуч келганлар.

Анджонлик қочқин Алишернинг эътирофича, ўзбек қочқинлари уйларига фуқаролик кийимида бостириб кирган кишилар улар билан “ҳайвонга муносабатда бўлгандек” муомала қилганлар.

“Эрта тонгда эшикларимизни бузиб, битта уйга йигирматадан одам кирди, - дейди у. – Аёллар ва болаларни қўрқитиб юборишди, уйимизни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Бу ерда террорчилар бўлиши мумкинлиги айтишди. Эракларни куч билан кўчага олиб чиқиб, машиналарда олиб кетишди”.

Олмаотадаги қочқинларни қўллаш ташаббус гуруҳи вакилининг сўзларига кўра, қўлга олинганлар ўзларининг экс-



тремистлар билан алоқаси бор эканини инкор қилмоқдалар ва буни шунчаки баҳона, деб ҳисоблайдилар.

Ҳуқуқ ҳимоячилари, бошпана сўровчилар Тошкентга бериб юборилган тақдирда, уларни ўз юртида қамоқ ва аёвсиз қийноқлар кутиб тургани юзасидан хавотир билдирмоқдалар.

Ўзбекистондаги тергов тизими ва қамоқхоналарда қийноқлар кенг қўлланиши ҳақида халқаро миқёсда қатор далиллар мавжуд. Бундай маълумотлар БМТнинг қийноқларга қарши комитети ҳисоботларида ҳам шу йил март ойида ўзбек ҳуқуқ фаоллари томонидан тақдим қилинган муқобил ҳисоботларда келтирилган.

Бироқ, кузатувчиларнинг қайд этишларида, бу омиллар мулозимлар томонидан унчалик эътиборга олинмайди.

“Ўзбек қочқинларидан бири қийноқлар ҳақида гапирган пайтда Миграция бўйича комитет департаменти ходимлари: “Сизни ҳақиқатан ҳам қийнашгани ҳақида ўша қийноққа солган одамларнинг фамилиялари ёзилган справка олиб келинг” деб айтишган, – дейди Қозоғистондаги Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро бюроси ходими Денис Живаго. – “Бу қочқинларнинг ҳаммаси жиноятчи, улар Қозоғистонга нимага керак?” қабилидаги гаплар бетўхтов айтилаяпти”.

Қароргоҳи Францияда жойлашган “Марказий Осиёдаги инсон ҳуқуқлари” асоциацияси раҳбари Надежда Атаева ўзбек қочқинлар тез-тез мурожаат қиладиган Қозоғистон миграция хизматлари уларнинг тақдирига нисбатан эътиборлироқ ва инсонпарварроқ муносабатда бўлсалар, яхши бўларди, деган фикрда. “Афтидан, [Қозоғистон] миграция хизма-

ти одамларни ўз юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилаётган сабабларни тушунишни истамаёпти”, – дейди ҳуқуқ ҳимоячиси.

Улар [мулозимлар] мамлакатнинг ўз халқаро мажбуриятларига, шу жумладан, Қозоғистон имзолаган БМТнинг қочқинлар ҳақидаги конвенциясига риоя қилиши инсон ҳуқуқлари муҳофазаси жабҳасида бажарилиши шарт бўлган унсур бўлиб ҳисобланишини англашлари лозим.

Мазкур мақола учун сўралган бошқа ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам қозоғистонлик мулозимлар бошпана бериш ҳақидаги илтимосномаларни ҳолисона кўриб чиқишга ҳали тайёр эмаслигини тасдиқладилар. Бунга объектив сабаблар бор. Масалан, қочқин мақомини аниқлаш тартиби қандай амалга оширилиши лозимлиги ҳақида аниқ тасаввурнинг йўқлиги каби.

“[Ўзбекистонлик бошпана сўровчилар] экстрадицияси мутлақо амалга оширилиши мумкин бўлган ишдир, – дея таҳмин қилади Марказий Осиёдан бўлган қочқинларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи Москвадаги “Бошпана ҳуқуқи” дастури раҳбари Елена Рябинина. – Масалан, Қозоғистон Европа конвенциясининг аъзо бўлиб ҳисобланмайди. Бу конвенция механизми мамлакатда қийноқ мавжуд бўлган тақдирда қочқинларни ўз юртига топширилишига йўл қўймайди”.

Бироқ Қозоғистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро бюроси ходими Виктория Тюленева бунга эътироз билдиради.

“Мамлакатнинг конвенцияга аъзо эмаслиги бу давлат зиммасида қочқинларни Қозоғистон ташқарисига бериб юбормаслик кафолатлари бўйича бошқа халқаро мажбуриятлар йўқлигини билдирмайди, – дея таъкидлайди ҳуқуқ фаоли. – Биз бу қочқинларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам мамлакатдан бадарга қилинмаслигига қўмаклашамиз”.



## Ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари спорт журналистининг озод қилиниши учун курашмоқдалар

*Кампания ташкилотчилари судланган журналистининг машҳурлиги унинг иши қайта кўриб чиқилиши учун расмийларга босим ўтказишга имкон беради, деб умид қилмоқдалар.*

IWPR штати – Марказий Осиё

Таниқли футбол шарҳловчисининг исломий экстремизмда айбланиб, судланиши уни озод қилишлари учун қўлдан келган барча ишларни амалга оширишга ваъда берган Ўзбекистондаги ҳуқуқ фаолларининг норозилигига сабаб бўлди.

35 ёшли спорт журналисти ва телешарҳловчи Хайрулло Ҳамидов 27 май куни “Жиҳодчилар” деб аталаётган радикал гуруҳга аъзоликда айбланмиш 19 киши орасида 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Январ ойида ҳибсга олинган Ҳамидов Жиноят кодексининг экстремистик ташкилотга алоқадорлик ва жамоат хавфсизлиги учун таҳдид туғдирув адабиёт тайёрлаганлик каби икки моддаси билан айбланганди.

Ҳамидовнинг ўзи барча айбловлар инкор қилмоқда. Унинг адвокатлари тергов таянаётган далиллар асоссиз эканини айтмоқдалар.



Ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига кўра, шу йил январь ойида Ҳамидовлар уйида ўтказилган тинтув чоғида улар Анджон шаҳридан бўлган ҳурматли имом, 1990 йиллар бошида йўқолган ва ўғирлаб кетилган деб ҳисобланувчи Абдували Мирзаев ҳамда расмийлар таъқибидан қочиб, мамлакатни тарк этган, Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри етакчи имоми Обидхон қори Назаров каби таниқли икки руҳоний маърузалари аудиоёзувларини топганлар. Ҳар икки олимнинг маърузалари неча йиллар мобайнида Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, бозорларда ошкор ҳам, яширин ҳам сотиларди.

“Айблов фақат шунинг устига қурилганди”, – деди апелляция шикоят аризасини бериш ниятида бўлган.

Ҳуқуқ ҳимоячилари сўзларига кўра, расмийлар журналистнинг айбини исботлай олмадилар, бироқ барибир айблов ҳукмини чиқардилар.

Суд жараёнлари мониторинги билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилоти бўлмиш Ўзбекистон мустақил журналистлари ташаббус гуруҳи лидери Суръат Икромов суд қонунбузарликлар ва Ҳамидов ёки у билан бирга судланган кишиларнинг “Жиходчилар” номли ташкилот аъзоси бўлгани ҳақида “бирор-бир далилсиз” ўтганини айтади.

Кўпчилик Ҳамидов ўз ишининг иккинчи йўналиши учун – диний ва миллий мавзуларда ёзадиган журналист сифатида жабрланди, деб ҳисоблайдилар. “Interfootball” ва “Champion” спорт газеталарида ишлаш ва телевидениеда шарҳловчилик қилиб билан бир қаторда Ҳамидов “Наврўз” хусусий радиостанциясида чиқадиган “Холислик сари” дастурининг муаллифи ва бошловчиси бўлганди. Бу дастур шунчалик оммалашган эдики, у ҳатто Ўзбекистон ва қўшни Тожикистон бозорлари CD шаклида сотиларди.

Дўстлари ва ҳамкасбларининг сўзларига кўра, Ҳамидов ўз дастурларида одамларни Ўзбекистонда амалда бўлган анъанавий суннийлик мазҳаби йўриқларига риоя қилишга чақирарди ҳамда уларга экстремистик ва фундаменталистик оқимларда нарироқ юришни тавсия қиларди.

Гарчи Ҳамидов фундаментализм бўйича Ўзбекистон ҳукумати позициясига қўшилса-да, дейди Икромов, “ҳибсга олинганича уни икки марта Миллий хавфсизлик хизматига чақиришиб, огоҳлантиришганди. У расмийларга ёқмайдиган диний-маъ-

рифий суҳбатлар олиб боргани учун улар Хайруллони қамоққа тиқишни жуда истардилар”.

Журналистнинг таъқиб қилина бошлашига сабаб бўлган бошқа бир омил унинг Интернетда чоп этилган ва ўзбек халқи келажаги ҳақида ташвиш ифодаланган шеърлари бўлиши мумкин эди.

Унинг “Ўзбекларга нима бўляпти?” сарлавҳали бир шеърда мамлакатдаги кўпчилик одамлар дуч келаётган қийинчиликлар, жумладан, меҳнат муҳожирлиги, фоҳишалик ва қашшоқликнинг қулоч ёйиб бораётгани ҳақида айтилади.

Диссидентларни ҳибсга олиш Ўзбекистон учун одатдаги иш бўлиб ҳисобланишига қарамай, Ҳамидов кенг оммага яхши таниш бўлган учун журналистнинг иши қаттиқ норозилик кайфиятини уйғотди.

Ижтимоий ва сиёсий тенденциялар мониторинги билан шуғулланувчи мустақил ташкилот бўлмиш Тошкентдаги Экспертлар ишчи гуруҳи вакили Дилором Исҳоқова, гарчи кўчаларда бўлмаса-да, асосан Интернет тармоғида судланган журналистни қўлловчи катта кампания бўлиб ўтишини тахмин қилади.

“Ҳамма адолат талаб қилади, Хайруллони ҳимоя қилишади, чунки унга қўйилган айбловлар реал эмаслигини ҳамма билади, – деди у. – Ишга солинган тегиримонни тўхтатиб қолиш керак, акс ҳолда, бу кўргилик ҳаммамизнинг бошимизга тушади”.

Бунақа кампания самарали бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди журналистлар ўзбек халқига нисбатан “туҳматчилик”да айбланган таниқли фотосуратчи Умида Аҳмедова ишини эсланган ҳолда. Аҳмедова шу йилнинг февраль ойида суд томонидан айбдор деб топилган, бироқ кейинроқ амнистия бўйича озод қилинганди. Бу каби қарор олинишида кўпчилик расмийларнинг ўз юзини йўқотмаган ҳолда халқ норозилигини сўндириш уринишини кўради.

“Кампания, гарчи биз истаган шаклда бўлмаса-да, қай бир маънода ўз мақсадига етди”, – деди маҳаллий журналист.

Бошқа бир журналист Ҳамидовнинг иши, агар Ўзбекистон жамоатчилиги эътиборини таъқиблар ва адолатсиз судларга кўпроқ қарата олса, бурилиш нуқтаси бўлиши мумкинлигини айтади.

“Одамлар норозилик намойишларига чиқишлари мумкин, унинг обрў-эътиборини билган кишилар аввалгидек жим турмасалар керак”, – деди у.

Бошқа бир журналист Ҳамидовга қўйилган айблов вазият тобора ёмонлашиб бораётганига яна бир далил эканини айтади.

Ҳуқуқ фаоллари Ўзбекистон қамоқхоналарида Дилмурод Саидов, Солижон Абдурахмонов, Жамшид Каримов, Муҳаммад Бекжон, Рашид Бекжон, Ғайрат Меҳлибоев ва Мамадали Маҳмудов каби камида ўн журналист сақланаётганини маълум қилдилар.

АҚШнинг Фридом Хаус ташкилоти томонидан апрел ойида чоп қилинган турли мамлакатлардаги оммавий ахборот воситалари эркинлиги вазияти бўйича йиллик рейтингда Ўзбекистон 193 мамлакат орасида Туркменистон ва Беларус билан бир қаторда 189-ўринни эгаллади.

**Institute for war & peace reporting**

48 Gray's Inn Road  
London, WC1X 8LT, UK  
Tel: (44 20) 7831 1030  
Fax: (44 20) 7831 1050  
Web: [www.iwpr.net](http://www.iwpr.net)  
E-mail: [info@iwpr.net](mailto:info@iwpr.net)

---



**IWPR нинг Қирғизистон Республикасидаги ваколатхонаси**  
Қирғизистон Республикаси,  
Бишкек шаҳри 720017  
Тоголок Молдо кўчаси, 18-2  
Тел.: + 996 312 664453, 61 38 70  
Факс: + 996 312 61 38 70  
E-mail: [iwpr.kyrgyz@iwpr.net](mailto:iwpr.kyrgyz@iwpr.net)

---



**IWPR нинг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонаси**  
Қозоғистон Республикаси,  
Алмати шаҳри, 050000  
Қазибек би кўчаси, 50  
2 - чи қават, 84 офис  
Тел.: + 7 727 2725903, 2726421, 2726890  
E-mail: [iwpr.kazakhstan@iwpr.net](mailto:iwpr.kazakhstan@iwpr.net)

---



**IWPR нинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси**  
Тожикистон Республикаси,  
Душанбе шаҳри, 734003  
Рудакий проспекти, 137  
“Тоҷикматбуот”, 6 – чи қават  
Тел.: + 992 372 247026  
E-mail: [iwpr.tajikistan@iwpr.net](mailto:iwpr.tajikistan@iwpr.net)  
Тел./Факс: + 992 372 247051

---